

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“Миллий ғоя ва фалсафа” кафедраси

Ижтимои-иқтисодий факультети 5-45 гуруҳ талабаси

АБДУҒАФФОРОВ ФУРҚАТНИНГ

**5141500- Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими
йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун ёзган**

**“ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК
ДАВЛАТ ҚУРИШ МЕЗОНИ” МАВЗУСИДАГИ**

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ



**Иш кўрилди ва ҳимоя
қилишга рухсат берилди
кафедра мудирини ф.ф.н
доцент С. Исмоилов.
«__» _____ 2014 й.**

**Илмий раҳбар: ф.ф.н. доцент
_____ Х. Абдирахатов.**

Гулистон – 2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3-7
1-боб.Ўзбекистонда қонун устуворлигининг таъминланиши	8-20
1.1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси –давлатимизнинг ҳуқуқий асоси сифатида.....	8-10
1.2.Жамиятда адолатни ўрнатишда ҳуқуқнинг роли И.А.Каримов талқинида.....	11-20
2-боб.Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятида қонун устуворлигига риоя қилиниши	21-61
2.1.Маҳаллалар фаолиятида қонун устуворлиги.....	21-28
2.2. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан муносабатининг ҳуқуқий асослари.....	29-50
2.3. Маҳалла оқсоқоллари ва халқ маслаҳатчилари сайлови-қонунга иттифоқликнинг намунаси.....	51-60
ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР	61-67
ИЛОВА	68
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	69-71

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан кейинги 16 йил тарихан чархпалакнинг бир марта айланишига кетган вақтдек қисқа бўлса ҳам, самараси жиҳатидан асрларга татигулик улкан ишларга бой ислохотлар янгилашиш даври бўлди. Ўтган йилларни сарҳисоб қилар эканмиз – миллатнинг ўзлигини англаши, кадр-қимматини, ориятини, анъаналарини тиклаши борасида амалга оширилган кўплаб тадбирлар кўз олдимизда намоён бўлади. Айниқса, ўтган ҳар бир кунимизнинг мазмуни нақадар бой, беназир эканини яққол намоён этади. Шак-шубҳасиз, бундай улкан кўтарилиш, тараққиёт жараёни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов олиб бораётган доно сиёсатининг амалий натижасидир.

Шу йиллар мобайнида мамлакатимизда бошқарув тизимини ислох қилиш, давлат вазифаларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш, яъни кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш борасида ҳам талай ишлар қилинди. Айниқса, маҳаллалар фаолияти бутунлай янгича мазмун кашф этди. Айтиш мумкинки, жаҳон тажрибасида маҳалла деб аталувчи ягона, бетакрор бошқарув институти илк бор бизнинг юртимизда пайдо бўлди.

Президентимиз «Маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби этади. Нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир идора ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди. У ерда ҳаёт тажрибаси катта, заминга яқин, кўпни кўрган, барча ишни жой-жойига қўя оладиган фидойи одамлар яшайди ва

ишлайди»¹, деб қайд этганлар. Маҳалланинг ҳаётимиздаги юксак нуфузи асослаб берилганлиги унинг мавқеини янада ошириб юборади.

Президентимиз Ислоом Каримов Олий Мажлиснинг 2001 йил май ойида бўлиб ўтган бешинчи сессиясида ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада кенгайтириш ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эътиборни қаратиб, «ўзини ўзи бошқариш органлари – бизнинг келажакимиз»² деб таъкидладилар. Бу органларнинг асосини қуришга киришган эканмиз, улар барпо этилаётган адолатли фуқаролик жамиятининг пойдевори экан, демак бу пойдеворни ҳар томонлама мукамаллаштириб бориш ҳар биримизнинг масъулиятли ва муқаддас бурчимиздир.

Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти қонун устуворлигига асосланиш жараёни кузатиш, ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, мамлакатимизда сиёсатшунослик, социология, ижтимоий фалсафа каби фанлар янги бўлгани туфайли, умуман фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонунчилигини, фаолияти ҳар томонлама ўрганиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаб берувчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари муҳим манба ҳисобланади¹. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI асрга интилмо=да.- Т.:Ўзбекистон, 1999. 21 б.

² Ўша жойда

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.:Ўзбекистон, 2012; Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI асрга интилмо=да.- Т.:Ўзбекистон, 1999; Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фарвон шаёт – пировард ма=садимиз. – Т.:Ўзбекистон, 1999; Каримов И.А. Ўзбекистон и=тисодий ислохотларни чу=урлаштириш йилида – Т.:Ўзбекистон, 1999

Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг маҳаллалар фаолиятига оид қарорлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг илк раиси Шухрат Жалилов томонидан тузилган махсус тўпламда тўпланган². Бу қонуний ҳужжатлар демократик фуқаролик жамиятининг устувор асоси бўлган маҳаллаларнинг жойлардаги ташкилий, амалий ишларини қонуний-ҳуқуқий кафолати, фаолияти сифат даражасини ҳозирги кун талабига кўтаришга қаратилган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонунчилигини ва фаолиятини таҳлил қилишга Н.Азизов, К.Калонов, Ш.Маҳмудбеков, М.Сувонқуловларнинг мақолалари бағишланган. Жумладан, Н.Азизов маҳалла оқсоқолларини сайлаш масалаларига эътибор қаратган бўлса, К.Калонов маҳалланинг фуқаролик жамияти институти сифатидаги ўрни ва ролини очиб беришга ҳаракат қилган¹.

Маҳалланинг демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришдаги ўрни ва нуфузи, Ўзбекистонда маҳаллаларнинг, хусусан «Маҳалла» жамғармасининг фаолиятига Ш.Жалиловнинг бир қатор китоблари бағишланган². Бундан ташқари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасидаги қонунчилик асослари, уларнинг фаолияти ҳақида маълумотлар даврий матбуот ва Интернет сайтларида ҳам учрайди.³

² Маҳалла: ўзини-ўзи бошқариш шунга қаратилган кафолати.- Т.:Маҳалла, 1999.

¹ Азизов Н. Оқсоқоллар қандай сайланиши керак? // Шунга қаратилган.-Право.-Law. 2004. №2; Калонов К. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ролининг ошириб беришида маҳалла тизими ва унинг интеграцион фаолияти. || Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ырганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари. Т.: «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ырганиш маркази, 2003; Калонов К., Стивинз Д. Фуқаролик жамияти институтлари. // Фуқаролик жамияти. 2004. №1; Маҳмудбеков Ш. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари // Жамият ва бошқарув. 2002. №4; Сувонқулов М. Анъана ва қадриятларга мос // Шунга қаратилган ва оғун. 2001 йил №6.

² Жалилов Ш. Маҳалла янгилашни даврида.- Т.:Мечнат, 1995; Жалилов Ш. Кучли давлатдан – кучли жамият сари – Т.:Ўзбекистон, 2001;Маҳалла: ўзини-ўзи бошқариш шунга қаратилган кафолати.- Т.:Маҳалла, 1999.

³ www.press-service.uz; www.lawlib.freenet.uz; www.pravo.uz

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Демократик жамият қуришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий асосларини барпо этилишини очиқ бериш мақсадида, ўз олдимизга қуйидаги вазифаларни қўйдик:

- Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг давлат ва жамият қуришнинг ҳуқуқий асоси эканлигини кўрсатиш;

- И.Каримов асарларида жамиятда адолатни ўрнатиш хусусидаги фикрларини таҳлил қилиш;

- Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий асосларини барпо этилиши борасида қабул қилинган қонунларни таҳлил қилиш;

- Маҳалла - адолатли фуқаролик жамиятининг асоси эканлигини кўрсатиш;

- Маҳалла оқсоқоллари ва халқ маслаҳатчилари сайлови ҳақида маълумот бериш;

- мавзу юзасидан хулосалар чиқариш ва мавзунини ўрганиш бўйича тавсиялар бериш.

Ишдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар. Мазкур БМИда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий асослари солиштирган ҳолда таҳлил қилинди, оқсоқоллар сайловига доир, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорлигига фикр-мулоҳазалар билдирилди, уларнинг фаолиятида қонун устуворлигига амал қилиниши асослаб берилди.

Ишнинг амалий аҳамияти. Ишда келтирилган маълумотлардан «Давлат ва ҳуқуқ асослари», «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиети» фанларидан маъруза ва семинарларга

тайёргарлик кўришда , рефератлар ёзишда, мустақил иш топшириқларини бажаришда фойдаланиш мумкин.

БМИ тўзилиши. Мазкур БМИ Кириш, 2 та боб, Хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ.

1.1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-давлатимизнинг ҳуқуқий асоси сифатида.

Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси ўзбек миллий давлатчилигининг ҳуқуқий кафолатларини ўзида мустаҳкамлаган. Конституция инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодаладиган демократия, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қуриш йўлларининг истиқболларини белгилаб берган.

Ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган +омусномадир. Шу маънода Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттирган. Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир.¹

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясини А+Ш, Буюк Британия, Франция давлатлари, БМТ каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг олимлари юқори баҳоладилар. Чунки Асосий қонунни яратишда ҳам бой миллий-тарихий, ҳуқуқий меросимизга таянилган ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган қоидаларига ва илғор демократик давлатларнинг конституциявий тажрибасига асосланилган. Ўзбекистон Конституцияси – жаҳон сиёсий харитасида янги суверен давлат – Ўзбекистон давлати дунёга келиб, фаол яшаётганини кўрсатувчи муҳим ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга молик ҳужжатдир.

Ўзбекистон Конституцияси ўзбек миллий давлатчилигининг ҳуқуқий асоси сифатида бир қатор хусусиятларга эга.

¹ +аранг: Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг шу=у=ий кафолати.- Т., 1993. 21 б.

Биринчидан, Конституция истиқлолга эришган янги мустақил давлатнинг асосий +омусидир. У ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, мафкураси, ғоясига кўра янги ҳуқуқий ҳужжат. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, бир партиянинг ҳукмронлиги каби иллатлар йўқ, жами дунёвий неъматлар орасида энг улуғи ва муқаддаси – инсон деган ғоя мустаҳкамланган. Шу асосда «фуқаро-жамият-давлат» ўртасидаги муносабатларнинг оқилона ҳуқуқий ечими берилган.

Иккинчидан, Конституцияда фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва қафолатланган. Инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас бўлиб, давлат ҳимоясидадир. Конституциянинг 2-моддасида «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар», - дейилган.¹

Учинчидан, Ўзбекистон фуқаролари, ўзларининг насл-насаби, ирки, миллати, диний эътиқод ива бошқа хусусиятларидан қатъи назар тенг ҳуқуқларга эга. Конституция Ўзбекистон фуқароси деб ҳисобланган барча шахслар, уларнинг миллати, элати, тили, урф-одати ва миллий анъаналаридан қатъи назар ҳурмат қилинишини ҳуқуқий жиҳатдан қафолатлайди.

Тўртинчидан, фуқаролар билан давлат ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар орқали узвий боғлиқдир. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, ҳеч ким суднинг қарорисиз улардан маҳрум этилиши ёки чекланиши мумкин эмас. Айни вақтда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозим.

Бешинчидан, Асосий +онунда ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси бўлмиш Конституция ва қонуннинг устуворлигини таъминлаш мустаҳкаланган. Бу бир томондан, барча жорий қонунлар ва ҳуқуқий

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.:Ўзбекистон, 2012

ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлишини, иккинчи томондан эса, қонун олдида ҳамманинг баробарлигини англатади. Бирор-бир фуқаро давлат идораси, жамоат бирлашмаси, мансабдор шахс қонунга бўйсуниб мажбуриятдан холи бўлиши мумкин эмас.

Олтинчидан, Конституцияда ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётида мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тенглиги таъминланган ҳолда бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган тадбирларга таяниш, хусусий мулкнинг ҳимоя қилиниши мустаҳкамланган. Чунки, мақсад ўл мулкига ўзи хўйжайин бўлган тадбиркорлар ва шахслар учун иқтисодий фаолият эркинлиги бериш, ишбилармонлик ташаббусига ва эркин бозор муносабатларига кенг йўл очишдир.

Еттинчидан, Конституцияга мувофиқ, давлат сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади, уларга сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий шароитлар яратиб беради, кўппартиявийлик ва фикрлар турли-туманлигининг қонуний асосларини яратади.

Саккизинчидан, ҳурфикрлик, виждон ва диний эътиқоднинг ҳуқуқий мезонлари берилган. Ҳар бир инсон ўз эътиқодига ва динига амал қилиш ёки Бирон-бир динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний ташкилотлар давлатдан ажратилган ҳолда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

Тўққизинчидан, Конституцияда давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби ваколатларининг тақсимланиши принципига асосланган ҳолда амалга оширилиши мустаҳкамланган. +онун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти – ўзбек давлатининг учта асосий таянчидир.

1.2. Жамиятда адолатни ўрнатишда ҳуқуқнинг роли И.А.Каримов талқинида.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, ҳуқуқ ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтириш воситасидир¹. Ушбу таърифдан келиб чиқиб, ҳуқуқнинг жамиятдаги вазифаларини (ролини) белгилаш мумкин. *Унинг биринчи вазифаси ижтимоий тартиб интизомни ўрнатиш бўлиб ҳисобланади.* Албатта жамиятда тартиб интизомни, адолатни ўрнатишда, қарор топтиришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, жумладан, суд ҳокимиятининг ўрни беқиёсдир. “Суд ҳокимияти мустақил ҳокимият. қонунга қатъий риоя қилиш ва унинг фуқаролар томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлаш-суд ҳокимиятининг олий бурчидир.”²-деб таъкидлаб ўтган эди И.А.Каримов. Шунингдек, “...фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини мумкин қадар кенгайтириш даркор. Ваҳоланки, айрим тармоқ қонунларида ҳуқуқлари поймол этилган фуқароларнинг шикоятларини судлов йўли билан эмас, маъмурий йўл билан кўриб чиқиш тартиби ҳам учрайди.

Албатта, бу ҳол-Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ва бизнинг Конституциямиз талабларига зид. Фуқаро, агар унинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган тақдирда, ҳар қандай масала бўйича ҳимоя учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмоғи даркор!”³. “Суд бугунги кунда аввалгидек ҳукмрон коммунистик тизимнинг қатоғон ва жазолаш аппарати эмас, балки у ҳар бир инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли тарзда

¹ =аранг: И.А.Каримов. Ватан саждагош каби му=аддасдир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.19-20.

² И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий исти=лол, и=тисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.15-16.

³ И.А.Каримов. Ватан саждагош каби му=аддасдир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.17-18.

қўриқлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланмоқда. Фуқароларнинг судга ишончи мустаҳкамланиб бормоқда.”¹

“Бугун бизнинг ҳуқуқий докторинамиз мутлақо янгича, демократик тамойилларга асосланган. У, энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра, инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайди. Инсон ҳимоянинг бош субъекти бўлиб, унинг ҳаёти ва соғлигига суиқасд қилиш оғир жиноят ҳисобланади”².

Шунингдек, И.А.Каримов фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда суднинг ахамиятига тўхталиб, “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, ҳеч ким уларни суднинг қарорисиз маҳрум этиши ёки чеклаши мумкин эмас. Айни вақтда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг , давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозим”³ деган эди. Ушбу билдирилиб ўтган фикр Конституциямизнинг 26-моддасида ҳам мустаҳкамланган. Маълумки, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла амалга оширишда ва ҳимоя қилинишида, жамиятда тартиб интизомни, адолатни ўрнатишда суднинг роли беқиёс эканлиги ҳаммамизга маълум. Ҳозирги кунда Республикамизда суд ҳокимиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган. Булар жумласига, биринчидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўлса, иккинчидан Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисидаги қонунини (янги таҳрири) киритиш мумкин.

Президентимиз И.А.Каримов “Биз қонунга бўйсиниб яшашни турмуш тарзига айлантормас эканмиз, жиноятчиликнинг олдини олиш

¹ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмо= керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. –Б.29.

² Ўша асар. –Б.35.

³ И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий исти=лол, и=тисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.125-126.

муаммо бўлиб қолаверади.”¹ деган гапларни айтиб ўтган эди. Албатта, давлатда қонун устувор бўлса, унга ҳамма амал қилса, унинг талаблари сўзсиз бажарилса жамиятнинг салбий ҳолатлари бўлган ҳуқуқбузарлик ҳам, жиноятчилик ҳам камайган бўлар эди. Шу ўринда, Президентимиз И.А.Каримовнинг “...қонун устуворлиги заминида кучли тартиб ва интизом ўрнатайлик! Ирқи, миллати ва эътиқодидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлайлик!”² деган гаплари ёдга тушади.

“қонунни ҳимоя қилиш суд, прокуратура органларининг асосий вазифаси, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ўз ҳуқуқларини, қонунларни яхши билишларига эришиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича олиб боришдан иборат.

Биз мана шу оддий ҳақиқатни тушуниб етсак, ўшанда жамиятимизда жиноятчилар сони ҳам, эҳтимол, бу соҳада ишловчи ходимларнинг сони ҳам кескин камаяди”¹.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, жамиятда ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш учун, аввало, фуқароларнинг ўзи маъсулдир, яъни улар ижтимоий-сиёсий ҳаётда содир бўлаётган ҳар бир воқеага ва қабул қилинаётган қонунларга ўз муносабатини билдириб бориши лозим. Зеро, фуқароларимиз юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлсагина ҳар қандай ҳуқуқбузарлик, жиноят содир этишдан ўзини тўхтата олади. “Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ”⁴ деб

¹ И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.19-20.

² И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан =олсин. Т.2. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.312.

³ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмо= керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. –Б.51

⁴ И.А.Каримов.Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмо= керак Т.10..Т.Ўзбекистон.2002.36-б.

таъкидлар экан юртбошимиз. Шу ўринда жазонинг муқарралиги жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланишини уқтирадилар.

Жиноят кодексининг бешта моддасига, агар жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган тақдирда, судлар томонидан озодликдан маҳрум этиш жазосини қўлламаслик ҳақидаги нормалар киритиш таклиф этилмоқда.

Учинчидан, бутун жаҳонда муҳокама этилаётган муҳим масалалардан бири- ўлим жазосининг жиноий жазо чораси сифатида қолаётганлиги билан боғлиқ муаммодир. БМТ Бош Ассамблеясининг 1977 йил 8 декабрда қабул қилинган резолюциясида жаҳон ҳамжамиятининг ушбу муаммога муносабати аниқ-равшан баён қилинган: “Ўлим жазоси масаласида кўзда тутиладиган асосий мақсад- дейилади ушбу ҳужжатда, - бундай жазони бекор қилиш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, ўлим жазоси қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар миқдорини камайтириб боришдан иборат бўлмоғи лозим”.¹

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда ўлим жазосини қўллашга доир жиноят қонунчилиги сиёсати бутун жаҳонда кечаётган жараёнларга тўла мос бўлиб, Ўзбекистон конституцияси моҳиятидан келиб чиқадиган инсонпарварлик тамойилини ўзида акс эттиради.

иккинчи вазифаси, эркинликни вужудга келтириш, яъни қонун ҳужжатларида белгиланган ва тақиқланмаган барча ҳаракатларни эркин амалга олширилишини таъминлашдир.

“Мақсадимиз эркин, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли жамият барпо этиш. Ҳеч бир инсонни камситмаслик, эътиқодини ҳурмат қилиш, эркинлигини таъминлаш”²

¹ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмо= керак. Т.10.Т.Ўзбекистон.2002.39-б.

² И.А.Каримов. Биз келажакимизни ўз =ўлимиз билан =ураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.52

“Конституцияга биноан ҳар бир кишига эркин танлаш, фикрлаш, эркин сайлов ҳуқуқи берилган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари аниқ белгилаб қўйилган. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар давлат ҳокимиятининг бутун кучи, қонун кучи билан ишончли тарзда ҳимоя қилинади. Барчамиз жамиятнинг ҳар бир аъзоси фикри билан ҳисоблашишни ўрганишимиз, унинг ҳуқуқларини, аввало, ҳар бир кишининг ўз келажагини ўзи яратиш ҳуқуқини ҳурмат қилишимиз лозим.

Бу бугунги энг мушкул муаммо бўлиб, уни биргаликда бартараф этишимиз ва янги тушунчалар асосида фикр юритишни ўрганишимиз даркор.

Табиийки, фуқароларга берилган ҳуқуқ ва эркинликлар жамиятимиз қабул қилган қонун-қоидалар доирасида амал қилиши керак.

Бу ҳуқуқларни ҳаётга жорий этиш учун ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро ўз конституцион ҳуқуқларини, унга шу ҳуқуқларни берадиган қонунларни пухта билиши зарур. Бусиз инсон ҳуқуқлари ва инсон эркинликлари тўғрисидаги барча мушоҳадалар қуруқ гап бўлиб қолаверади.

қисқаси, кишиларимизнинг, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш зарурлиги ҳақида такрор-такрор гапиришга тўғри келади. Бу ўринда кўп нарса раҳбарларимизга, ана шу қонун ва ҳуқуқларни муҳофаза қиладиган кишиларга боғлиқ. Энг муҳими, улар қонун талабларини сўзсиз бажаришда, қонунларга итоат қилишда бошқаларга ўрнак бўлишлари лозим”¹.

Жамиятда эркинликни вужудга келтириш учун, маълум соҳаларни эркинлаштириш ҳам талаб этилади. Бу тўғрисидаги фикрлар Президентимиз И.А.Каримов томонидан Ўзбекистон XXI асрга

¹ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз =ўлимиз билан =ураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.158-159.

интилкоқда, деб номланган маърузасида баён қилинган. Ушбу маърузада, давлат ва жамият қурилишини, сиёсий соҳани, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнини эркинлаштириш борасида масалаларга тўхталиб ўтилган.

учинчи вазифаси, адолатпарварликни вужудга келтириш хисобланади. Президентимиз И.А.Каримов, “Мамлакатда адолат тамойили амал қилиши, барқарорлик ҳукм суриши учун уч субъектнинг, яъни давлат, жамият ва фуқароларнинг ўзаро муносабатларидаги қонунийлик асос бўлади. Бошқача айтганда ана шу уч субъект-давлат, жамият ва инсон муносабатларида уйғунликка, уларнинг манфаатлари бир-бирига мос келишига эришилсагина, ота-боболаримиз орзу қилган адолатли жамият барпо бўлади. Улар бир бирининг ҳуқуқини яхши билиши ва ҳурмат қилиши осойишталик ва фаровонликнинг зарур шарти ва муҳим омилидир”¹, деб таъкидлаб ўтган эди.

“Дунёда адолат қонуни мавжуд эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Эртами-кечми ҳар бир инсон ана шу қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Буни асло унитмаслик керак.”² “Адолат ва қонун устуворлиги учун, унинг талабларини ҳаётимизга жорий этиш учун биргалашиб курашмоғимиз, фидойи бўлмоғимиз керак. қонун, яна бир бор қонун-каттаю кичик, жинсидан, миллати, эътиқоди ва мансабидан қатъий назар, -барчамиз учун устувор бўлмоғи даркор!”³

Шунингдек, адолатни вужудга келтиришда ҳуқуқни қўлловчи шахсларнинг ҳам ўрни беқиёс. Улар оддий фуқаролар билан бир қаторда қонунларга бўйсунитиши лозим, зеро қонун олдида барча баробардир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек,

¹ И.А.Каримов. Хавфсиз ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –Б.26-27.

² И.А.Каримов. Биз келажакимизни ўз ўлимиз билан ўрамитиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.240.

³ Ўша жой. Б.36.

“Кимки, ҳуқуқ-тартибот органларида ишлайман, қонунни истаганча оёқости қилишим мумкин, мушугимни биров "пишт" деёлмайди, деб ўйлаган бўлса, янглишади. Органларда содир этилган ҳар қандай жиноят, аввало, органларнинг, ҳокимият тизимининг обрўсини тўқади, ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга катта зиён етказади.

Мана шу юксак минбардан туриб, мазкур соҳа ходимларини огоҳлантирмоқчиман: сизларга бошқаларга нисбатан алоҳида талаб қўйилади. Шундан хулоса: сафингизда йўл қўйилган ҳар қандай қонунбузарлик ва жиноят учун шафқатсиз жазо оласизлар!

Мен бир вақт айтувдимки, халқимиз ҳар қандай қийинчиликка чидайди, лекин ҳеч қачон адолат бузилишига чидамайди.

Адолат қачон бузилади?

Амалда ўтирган, вазифада ўтирган одам ўзи ахлоқий, маънавий нуқтаи назардан бузилса, нафсини тиёлмаса, тўғри йўлдан чиқса, мана шунда адолат бузилади, мана шунда одамлар бизларга нисбатан ишончини йўқотади.”¹

“Адолат” сўзи минг йиллар давомида инсонга ҳамроҳ бўлиб келган. Асрлар давомида кишилар адолат учун курашган, мислсиз қурбонлар берган.

Адолат ҳақида жуда чиройли гапириш мумкин. Адолат ҳақида жуда узоқ гапириш мумкин. Аммо гап чиройли ва узоқ гапиришда эмас, балки ҳаётда адолатни ўрната олишда.”²

“Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт”.²

¹ И.А.Каримов. Биз келажакимизни ўз =ўлимиз билан =ураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.34.

² И.А.Каримов. Ватан саждагош каби му=аддасдир. Т.3. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.11.

“Раҳбарликнинг энг буюк мезони адолат. Бу сўзнинг замирида бутун халқ тақдири, жамият истиқболи, мамлакатимиз келажаги мужассам бўлган. Буни чуқурроқ тушунайлик, чуқурроқ англайлик. Адолат ҳамма нарсадан устун бўлиши керак.

"Куч-адолатда" деган Амир Темур бобомизнинг бизга қолдирган ўғит-насиҳатларини эсимиздан, хаёлимиздан чиқаришга ҳаққимиз йўқ.

Ўзидан бир поғона юқори бўлган кишининг олдида икки букилиб, ўзидан бир поғона паст бўлган одамни оёқ ости қилиш эски мустабид тузум ва жамиятнинг тимсоли эди. Биз бундай иллатлардан қутулишимиз, уни бутунлай йўқотишимиз керак.

Ҳақиқий раҳбар барчага бирдай одилona муносабатда бўлади. Албатга, одамлар ҳар хил бўлади. Уларнинг орасида гап укмайдиган, баъзан эса рўй-рост эътироз билдирадиганлари ҳам бўлади. Халқ дегани барча фазилатлари билан бир қаторда нуқсонлари билан ҳам яхлитлигича халқдир. Ҳақиқий раҳбар ана шу яхлитликни англаб, ақл билан ҳис этиб, уларнинг бошини қовуштириб, ўзига эргаштира олиши билан халқ олдида муносиб ҳурмат ва иззат қозонади.

Ҳақиқий раҳбар, одамларнинг кўнглига йўл топиб, уларни эзгуликка, яхшиликка даъват қилади ва ўзи ҳам одамлар юрагидан жой олади. Ана шундай бахт барчага каттаю- кичик раҳбарларга насиб этишини хоҳлайман”.¹

“Мана, Бош Прокуратура, Олий Суд, Адлия вазирлиги, Олий Хўжалик суди... Сизларга катта ишонч билдирганмиз, сизларни қонунни ҳимоя қиладиган одамлар деб биламиз. Сизлар ҳалол ва одилona иш юритсангиз, бизда ҳуқуқий давлат, адолатли жамият қуришга имконият пайдо бўлади.”²

¹ И.А.Каримов. Биз келагагимизни ўз =ўлимиз билан =ураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.76-77.

² Ўша асар. –Б.34.

Шунингдек, Президентимиз И.А.Каримов баъзи бир шахсларнинг ўз ишларига лоқайдлигини танқид қилиб, шундай ачинарли ҳолатларни таъкидлаб ўтган эди, “Нима, ҳуқуқий асосларимиз бўшми ёки умуман масъулиятни унутиб қўйдикми? Балки баъзи бир мансабдор кимсалар иккиламчи сиёсат олиб бораётгандир?

...Ўзи ҳудудларда қонунларимизни ҳимоя қиладиганлар борми-йўқми?!

...қонунларнинг ижроси устидан назорат прокурорнинг вазифаси эмасми?! Агар туманда қонун бажарилмаса, прокурор унда нима қилиб ўтирибди?!”³

“Агар қонунларда кўзда тутилган мақсадларга эришмоқчи бўлсак, авваламбор ташкилий ишларни-бу қонунларни ҳаётга татбиқ этиш ишларини қатъият билан амалга оширишимиз керак”.¹

“қонун, яна бир бор қонун-каттаю кичик, жинсидан, миллати, эътиқоди ва мансабидан қатъий назар,-барчамиз учун устувор бўлмоғи даркор!”²

“Энг аввало, қонунчилик фаолиятимиздаги камчиликларни танқидий баҳолаб, бартараф этиш, қонунларимизнинг мукамал ва изчил бўлишига эришмоғимиз ва энг муҳими, барча ҳуқуқий давлатлар қаторида қонун асосида яшашни ўрганишимиз зарур. Шу билан бирга, қонунчилик ва меъёрий аосларни шакллантириш жамиятни ўзгартириш ва ислоҳ этиш жараёнидан олдинроқ юриши керак.”³

Жамиятда адолатни ўрнатишда суднинг ўрни ҳам беқиёс эканлиги ҳаммамизга маълум. Президентимиз ташаббуси билан, жамиятда

¹ И.А.Каримов. Биз келажакимизни ўз =ўлимиз билан =ураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.37.

² Ўша асар. –Б252.

³ Ўша асар. –Б383

адолатни ўрнатиш, тартиб интизомга эришиш мақсадида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотлари амалга оширилмоқда.

Президентмиз И.А.Каримов Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз, деб номланган маърузасида шундай фикрни билдириб ўтади: “Суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалда тенглиги таъминланмоғи ва бунинг учун адвокатура идораларининг мавқеини кўтариш даркор”. Албатта суд жараёнида адвокатнинг аҳамияти катта. Чунки фуқаролар тергов органлари томонидан амалга оширилаётган ҳаракатлар қонунийми ёки қонуний эмасми, у ўзини ҳимоя қилишнинг қандай воситаларидан фойдалана олади, деган саволларга жавоб топишда маълум бир қийинчиликларга дучор бўлиши мумкин. Адвокат эса, ушбу ҳаракатлар қонуний бўлишини назорат қилиб, ўз миқозига тегишли маслаҳатлар бериб, ҳуқуқини ҳимоя қилиб туради.

Тўртинчи вазифаси тенглик бўлиб ушбу қоида Конституциямизда белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар.

Ҳуқуқнинг ушбу тенгликни ўрнатиш вазифаси ҳақида гапирганда Президентимиз И.А.Каримов томонидан таъкидлаб ўтилган қуйидаги гапларни келтириш мақсадга мувофиқдир. У: “ҳуқуқий давлатнинг барча фуқаролари қонун олдида тенг. қонун жамият тинчлиги ва хавфсизлигини муҳофаза этади”¹ деган эди. Шунингдек, “Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий мансублигидан ва эътиқодидан қатъий назар, Республикаимизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишига муносибдир”², деган ғояларни илгари сурган.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иттиҳод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.15.

² И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1999. -Б.16.

2-БОБ.ФУҚАРОЛАРНИ ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ.

2.1. Маҳаллалар фаолиятида қонун устуворлиги

Республикамиз ҳудудида қадим замонлардаёқ ўзига хос Шарқона демократик тамойилларга асосланган ўзини ўзи бошқариш тизими таркиб топган ва у маҳалла усулида ривожланган.

Мустақиллик туфайли маҳалла атамаси тарихда биринчи марта Конституцияга киритилди. Унга аҳолининг ўзини-ўзи бошқарувининг ноёб шакли сифатида конституциявий мақом берилди. «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари» тўғрисида» +онун қабул қилинди. Айти вақтда Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташкил этилди.

Республика Президенти И.А.Каримов маҳаллаларнинг қайта тикланишига, унинг шаъни ва обрўсини кўтаришга катта йўл очиб берди. Шу асосда мустақил давлатимизнинг нақадар халқчил эканлиги миллионлаб фуқаролар қалбига жо қилинди.

Президентнинг маҳалла борасида олиб бораётган сиёсати иккита муҳим вазифани ҳал этишни кўзда тутди.

Биринчиси, маънавий вазифа бўлиб, у халқимизнинг минг йиллик тарихидаги ноёб, энг азиз анъаналарни, қадриятларни қайтадан тиклаш ва ривожлантиришдан иборат.

Иккинчиси сиёсий вазифа бўлиб, Президентимизнинг маҳалла институтини бутунги замон талабларига мувоиқ тарзда тиклаш баробарида вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари зиммасига юкланган кўпчилик вазифа ва ҳуқуқларни фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига, яъни маҳаллаларга бериб, уларнинг мақомини жой-жойига

қўйиб, шу тариқа жамиятимиз ҳаётини демократиялашда ва жуда муҳим имкониятларга эришиш¹.

Таъбир жоиз бўла, Президентимиз маҳалла тимсолида шарқона демократия шаклини қурмоқдалар. Бу эса, ўз навбатида, янгиланиш, сиёсий тизимни ислоҳ қилиш амалга оширилаётган, демократия, дунёвий тузумга ўтиш шароитида ўзини ўзи бошқаришнинг аҳамияти тобора ортиб бораётганлигидан далолат беради. Бу жараён тобора ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда маҳаллалар жойларда маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг мустақил органи сифатида бевосита давлат ва жамият ҳаётига оид бўлган масалаларни мустақил равишда ҳал қилмоқдалар.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатаётган ҳудудларнинг кўлами, унда яшовчи аҳолининг миқдори, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, сиёсий-мафкуравий эҳтиёжларини қондириш йўлидаги ишлари уларни жойлардаги халқ ҳокимияти тизимининг ҳаракатдаги субъектига айлантирди. Бу нарса Олий Кенгаш томонидан 1993 йилнинг сентябрь ойида қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси +онунида ўз ифодасини топган.¹ Ушбу ҳужжат мазкур соҳани тубдан қайта қуришнинг ҳуқуқий мезонларини белгилаб берди. Шундай қилиб, давлат мустақиллиги ва сиёсий суверенитетига эришиш шароитида давлатчиликнинг миллий шаклини қайта тиклашга, республикамиз халқларининг ижтимоий турмушида миллий анъана ва одатлардан тўлароқ фойдаланишга интилиш кучайди.

¹ Маҳалла: ызини-ызи бош=ариш шу=у=ий кафолати.- Т.:Маҳалла, 1999. 47 б.

¹ «Фу=ароларнинг ызини ызи бош=ариш органлари ты\rисида»ги Ўзбекистон Республикаси +онуни. / Маҳалла: ызини-ызи бош=ариш шу=у=ий кафолати.- Т.:Маҳалла, 1999.62 б

Даврнинг янгича талабларига мувофиқ юзхага келган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси +онун ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётимизда катта вўқеа бўлди. Унда маълум маънода жамиятимиз, давлатчилигимиз тараққиётининг узоқ йилларга мўлжалланган йўналишлари белгилаб берилди. Конституциямизнинг 105-моддасида; «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, улар таркибидаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди», деб белгилаб қўйилган¹. Бу билан уларнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари қонун йўли билан кафолатланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур қонун қабул қилингандан ва амал қила бошлаганидан бери мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб сифат ўзгаришлар рўй берди. Бу, аввало, раҳбарлик ва бошқарув тизимида демократик тамойилларнинг кучайганлиги, ижтимоий ҳаётда жамоат ташкилотларининг роли ва мавқеи ошганлиги билан изоҳланади. Ўтган даврда ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллияти юзасидан тўпланган тажрибалар тез ўзгараётган, ҳаёт талабларини ўзида тўла мужассамлаштира оладиган сифат жиҳатидан янги ва мукамал юридик ҳужжат бўлишини зарурат қилиб қўйди. Лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, аввалги қонуннинг кўпгина моддалари амалга ошириш механизмига эга эмас эди. Унда йиғин раислари (оқсоқоллари) зиммасига кўпгина вазифалар бклангани ҳолда уларнинг ҳуқуқлари шунга яраша кенгайтирилиб, улардан фойдаланиш таъмин этилмаган эди. Бу ҳолатлар ўз навбатида раис ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.:Ўзбекистон, 2012. 105-модда

оқсоқолларнинг ташаббус кўсатиб ишлашларини чеклаб кўяр эди. Шундай қилиб, ҳаёт тақозосига кўра янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси +онуни 1999 йил 14 апрелда Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида қабул қилинди.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида қилган маърузасида: «Биз олдимизга фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадини кўйганмиз»¹, деди. «Фуқаролик жамиятини қуриш бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишни кўзда тутди... Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич топшириш лозим»². Энг муҳими, аҳолининг касб ва ижтимоий таркиби манфаатларини янада тўлароқ ифодалаш ва ҳимоя қилишда нодавлат, жамоат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мавқеларини ошириш даркор. «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» деган сиёсий қурилиш дастурининг моҳияти ҳам шунда. У маҳаллаларга ўз ҳаётини ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда кенг иштирок этиш имкониятини яратади. Бу эса фуқаролик жамияти тамойилларига тўла мос келади.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов ўз маърузасида, шунингдек, маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этилиши лозим бўлган

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 асрга интилмо=да.// Ўзбекистон овози. 1999 йил 15 апрель

² Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 асрга интилмо=да. – Т.:Ўзбекистон, 1999. 16 б.

вазифалар кўламини ҳам аниқ белгилаб берди: «Бозор ислохотларини амалга ошириш, тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш» каби масалалар уларнинг зиммасида эканлиги яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳам ана шундай ваколатларга эга бўлди.

Мазкур қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари ҳаётнинг тақозосига кўра ва янги қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунига уйғун равишда кенгайтирилган, айрим ҳолларда эса уларнинг ваколатлари, ҳуқуқлари аниқ -равшан кўрсатилган.

Мазкур қонуннинг амалий аҳамияти шундаки, унда қуйи бошқарув тизими ҳисобланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кенг ҳуқуқлар бериш, жойлардаги жамоатчилик вакилларининг давлат ва жамиятни бошқариш ишларида тўла иштирок этишлари кафолатланган, бу органлар давлат маҳаллий бошқарувидан ажратилиб, улар ҳар қандай тазйиқлар ва қарамликдан халос этилганлар. Янги таҳрирдаги ушбу қонуннинг 7-моддасида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди» деб уларнинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб қўйилган.

Давлат сиёсатида халққа ишониш ва таяниш, фуқароларга кўпроқ эркинлик бериш йўлига ўтилди. Бу нарса хусусан янги таҳрирдаги мазкур қонуннинг мазмунида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органлари ваколатларининг янада кенггайтирилганлигида ҳам ўзининг ифодасини топгандир. Буни қонуннинг 4-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий тамойиллари (демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга эга молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосида ўзаро ёрдам) нинг алоҳида кўрсатиб ўтилгани бундай тизимга катта эътибор билан қаралаётганидан дарак беради. Бу, ҳаётга демократия тамойиллари дадил жорий қилиниб, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлаш имконини беради.

Янги таҳрирдаги қонуннинг илгари қабул қилинган нусхасида бўлмаган бир қатор янгиликлар киритилган. Бу нарса аввало фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий мақомининг аниқ белгилаб берилишида (7-модда); вақти-вақти билан туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш, ўз ҳудудитда жойлашган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг янги институтлари киритилиши (фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, фуқаролар йиғинининг тафтиш ва маъмурий комиссиялари) жорий қилиниши; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига, халқ депутатлари вилоят Кенгашларига номзодлар кўрсатиш учун фуқароларнинг номзодлари бўйича ҳокимиятнинг тегишли вакиллик органларига таклифлар киритиш, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш (10-модда); икки ёшга тўлмаган болалари

бор ишламайдиган оналарга нафақаларни тайинлаш ва тўлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва болали мухтож оилаларга нафақалар тайинлаш (10-12 моддалар) ва бошқаларда ўз ифодасини топган¹.

Янги таҳрирдаги қонуннинг 1-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тушунчасига: «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши – фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятidir», деб таъриф берилган. Мазкур қонуннинг 9-моддасида эса фуқаролар йиғинига берилган таъриф янада конкретлаштирилган. Яъни унда: «Фуқаролар йиғини – фуқаролар ўзини-ўзи бошқаришнинг юқори органи бўлиб, аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қилувчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадир» деб кўрсатилган. Янги қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тушунчаси, ушбу органнинг ҳуқуқлари ва бу ҳуқуқларни қай тартибда амалга ошириш йўллари аниқ кўрсатилган².

Алоҳида қоидаларни қиёслаганда ҳам янги таҳрирдаги қонунда фуқаролар йиғинларига янада кўпроқ эркинлик ва мустақиллик берилиши кўзда тутилгани аён бўлади. Масалан, аввалги қонунда «Ўзини ўзи бошқариш органлари иш олиб борадиган ҳудудларни фуқароларни таклифига кўра туман, шаҳар ҳокими белгилайди»(2-модда) дейилган эди. Янги таҳрирдаги қонунда эса бундай юмушларни

¹ Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тушунчасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари (янги таҳрири) / ²

² Мащалла: ўзини-ўзи бошқариш шунингдек кафолати.- Т.:Мащалла, 1999. 62-81 б.

«...фуқаролар ўзини ўзи бошқаришнинг тегишли органи фикрини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади» (5-модда) тарзида кенгайтирилган.

Шунингдек, аввалги қонуннинг 5-моддасида «Фуқаролар йиғинини раис (оқсоқол) тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки Ҳоким билан келишилган ҳолда заруратга қараб чақиради» дейилган бўлса, янги таҳрирдаги қонунда «Фуқаролар йиғини фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), йиғин кенгаши томонидан заруратга қараб, лекин йилнинг ҳар чорагида камида бир марта чақирилади» деб белгиланган.

Яна бир мисол. Аввалги қонунда «Ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунларга зид ҳужжатларини халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари ёки тегишли ҳокимликлар бекор қиладилар» (24 модда) дейилган эди, янги таҳрирдаги қонунда бу ҳолат кўзда тутилмаган.

Янги таҳрирдаги қонуннинг 6-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратадилар, уларнинг ишларига аралашिशга йўл қўймайдилар, деб алоҳида таъкидланиши ҳам фуқаролар йиғинларига эркинликни таъминлашни назарда тутди.

Янги таҳрирдаги қонуннинг яна бир такомиллиги шундаки, унда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг қуйидан юқоригача бўлган тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асоси кафолатланган. Бу янги қонуннинг 17-моддасида ўз ифодасини топган. Аввалги қонунда бу нарса кўзда тутилмаган эди.

Таъкидлаш лозимки, янги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳаётида янги давр бошланди. Уларнинг ваколатлари ва ҳуқуқлари кенгайтирилди, масъулияти оширилди. Бундан буён фуқаролар жойларда ўз хоҳиш-иродаларини, конституциявий ҳуқуқларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали намоён этадилар. Жойлардаги маҳаллий раҳбарларнинг ишига ушбу органлар орқали халқнинг ўзи баҳо беради, ўз хизмат мансабини суиистеъмол қилувчиларнинг ноўрин хатти-ҳаракатларига ўз вақтида барҳам бериш имконияти туғилади.

Хулоса қилиб айтганда, янги таҳрирдаги ушбу қонунни таҳлил қилиш жараёни шуни кўрсатадики, фуқаролар йиғинлари ва ваколатлари мумкин қадар кенгайтирилган. Бу органлар иложи борича аҳолига яқинлаштирилган. Бу ўз навбатида кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш жараёнида фуқароларнинг жойларда давлат ва жамият ишларини бошқаришда фаол иштирок этишларини таъминлайди, фуқаролик жамияти сари бизни яқинлаштиради, жойларда адолат мезонларининг қарор топишига имконият яратади.

Мазкур қонун ива уни ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ бўлган ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар маҳаллаларнинг ва бошқа ўзини ўзи бошқариш органларининг амалдаги ҳуқуқий кафолатларининг ифодасидир.

2.2. Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан муносабатининг ҳуқуқий асослари

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаруви масалалари демократиянинг ажралмас қисмидир, чунки у ҳокимиятни амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқдир¹. Ўзбекистон Республикаси демократик давлат қуришни мақсад қилиб қўйган экан, уни характерловчи ҳамма хусусиятлар талабга жавоб бериши керак. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ деб кўрсатилиши (7-модда), давлат ҳокимиятининг тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши (11-модда) қоидаларига мос равишда вакиллик ҳокимият органлари тизимидан, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тизими ажратилди. Кўп вақтлар маҳаллий вакиллик органлари тизими билан ўзини-ўзи бошқариш органлари тизими ягона тизим сифатида қаралган, яъни маҳаллий вакиллик органлари ўзини-ўзи бошқариш тизимига киритилган. Ҳатто баъзи авторлар Конституция қабул қилиниб, маҳаллий вакиллик органлари тизими билан ўзини-ўзи бошқариш органлари тизими бир-биридан ажратилгандан кейин ҳам уларни ягона тизим деб қарашни давом эттирди². Тўғри, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бевосита демократия кўринишларидандир, лекин у маҳаллий давлат вакиллик органлари тизимига кирмайди. Буни Конституция нормасида ҳам, махсус қонунларда ҳам ўз аксини топган.

Конституциянинг 105-моддасида, - «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда

¹ Ҳокимият деганда халқ ҳокимияти ва давлат ҳокимияти тушунчаларини фарқлаш керак.

² Сиддиқов Р.Р. Представительные органы и непосредственная демократия в системе местного самоуправления. - Т., «Университет», 1993.

шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади»¹ деб белгиланган.

Бу билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тизими ва фаолиятининг конституциявий асоси мустаҳкамланди. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақида 1993 йил 2 сентябрда «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тағрисида» ги қонун қабул қилинди. Шунингдек, бу масалага тааллуқли баъзи ҳуқуқий меъёрлар 1992 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» ги қонунда ҳам ўз ифодасини топди. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг турли қирраларига махсус илмий изланишлар бағишланади, биз изланишларимизда фақат ўзини-ўзи бошқариш органлари билан маҳаллий давлат органлари ўртасидаги муносабатларнинг асосини таҳлил қиламиз. Чунки ўзини-ўзи бошқариш органлари тузиладиган кўп жойларда аввал давлат ҳокимияти органлари тузилар эди. Энди у ерларда давлат органлари тузилмай, фақат ўзини-ўзи бошқариш органлари ташкил қилинади ва давлат органларининг баъзи вазифалари ўзини-ўзи бошқариш органларига юкланади. Бундан ташқари маҳаллий давлат ҳокимият органлари билан ўзини-ўзи бошқариш органлари бир тизимни ташкил қилган вақтда улар ўртасидаги муносабат, улар тизимининг ягоналигидан келиб чиққан бўлса, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.:Ўзбекистон, 2003. 105-модда.

органларининг алоҳида-алоҳида тизими вужудга келгач, муносабатлар янги шакл ва мазмунда вужудга келиши табиий, бу эса ҳали деярли ўрганилмаган. Муносабатларнинг асосларини ўрганиш эса, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишни осонлаштиради.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизими билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тизими бир-бирдан ажратилса ҳам улар бир-бирдан бошқа-бошқа, мутлақо ажралган ҳолда фаолият кўрсатмайди. Уларнинг боғлиқ томонлари мавжуд. Маҳаллий давлат органлари ҳам, ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳам маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилади, ўз фаолиятида аҳол ташаббускорлигига таянади, аҳолини ҳокимиятни амалга ошириш ишларига жалб қилади¹.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўзаро муносабати ҳақида «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» ги қонунда махсус модда мавжуд.

+онуннинг 4-моддаси, ҳокимият вакиллик органлари ва ҳокимият ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ўзаро муносабатлари деб номланиб, унга биноан халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли ҳудудда ўзини-ўзи бошқаришни ривожлантиришга кўмаклашадилар, ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолиятини йўналтириб, турадилар. +онуннинг ушбу моддасида вакиллик органлари ва ҳокимларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ўзаро муносабатлари ҳақида сўз бўлса-да, модданинг ўзида фақат ҳокимлар хусусида сўз боради. Бу фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш

¹ Шусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. – Т.:Шарп, 1996. 63 б

органларининг давлат ҳокимияти маҳаллий органлари билан муносабати фақат ҳокимлар билан ўрнатилади деган сўз эмас. Вакиллик органлари билан ҳам ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида маълум муносабатлар мавжуд. +онун мазмунига эътибор берилса, ҳокимлар ва ўзини-ўзи бошқариш органларининг муносабати асосини ҳокимларнинг ўзини-ўзи бошқаришни ривожлантиришга кўмаклашиши ва ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолиятини йўналтириб туриши ташкил этади.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг асосий вазифалари шу ҳақдаги қонуннинг 1-моддасида мустаҳкамланиб, унга асосан: «Ўзини-ўзи бошқариш органлари жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашишга доир ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида фуқароларга кўмаклашади, ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг, халқ депутатлари Кенгашларининг ва ҳокимларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштиради»¹.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг муносабати эса, яна шу вазифаларни бажариш жараёнида вужудга келади.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг вазифаларининг мазмуни ва мақсадига кўра уч гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Фуқароларда жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини амалга оширишда кўмаклашиш;

¹ www.pravo.uz

2. Ўз ҳудудларида ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал қилиш; оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш;

3. Давлат ҳокимияти органларига Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Президент ва ҳукумат ҳужжатларини, халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштириш.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ваколатлари ва ҳуқуқлари ана шу вазифалардан келиб чиқади, шунингдек улар шу вазифаларни бажаришда маҳаллий ҳокимият органлари билан узвий муносабатда бўлади. Вазифаларнинг тўла ва сифатли бажарилиши, айнан шу муносабатлар қай даражада ўрнатилганлигига боғлиқдир.

Бевосита қонун меъёрида кўрсатилган вазифаларни бажаришдан келиб чиқадиган муносабатларни таҳлил қилишдан олдин, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини ташкил этиш ва улар ишини юритишда маҳаллий давлат органларининг иштироки натижасида вужудга келадиган муносабатларни кўрсатишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Зеро, ҳар қандай шакл ва турдаги муносабатларнинг вужудга келиши учун аввал шу муносабат иштирокчилари бўлиши зарур. Биз кўрсатаётган муносабатлар иштирокчилари эса, маҳаллий давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, ўзини-ўзи бошқариш органларини вужудга келишида эса маҳаллий давлат органлари иштирок этади.

Ҳақиқатда ҳам фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан маҳаллий ҳокимият органларининг муносабати, энг аввало ўзини-ўзи бошқариш органларини ташкил қилишда маҳаллий ҳокимият органларининг иштирок этишида кўришимиз мумкин.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳудудий қоида бўйича тузилиб, тегишли ҳудуддаги фуқароларнинг таклифига биноан туман ёки шаҳар ҳокими ўзини-ўзи бошқариш органлари тузишни белгилайди. Ҳоким бу ҳақда қарор қабул қилиб, унинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тузиш ҳақидаги қарори тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланади. Кўриниб турибдики, ўзини-ўзи бошқариш органлари тузишда фақат ҳокимлар эмас, халқ депутатлари Кенгашлари ҳам иштирок этади.

Фуқаролар йиғини коллегиял орган бўлиб, уни раис (оқсоқол) халқ депутатлари Кенгаши ёки ҳоким билан келишган ҳолда, заруратга қараб чақиради (қонуннинг 5-моддаси). Фуқаролар йиғинини чақариш учун икки шарт бўлиши керак. Биринчиси, шу йиғинни чақариш учун зарурат бўлиши керак, иккинчидан уни чақариш учун халқ депутатлари Кенгаши ёки ҳокимнинг розилиги бўлиши керак. Халқ депутатлари Кенгашлари ёки ҳокимнинг фуқаролар йиғинини чақаришда рухсат бериш ҳуқуқи тегишли муносабатни вужудга келтиради. Қонуннинг 5-моддасига биноан фуқаролар йиғинини чақаришда маҳаллий ҳокимият органлари фақат рухсат берувчи сифатида иштирок этмай, улар йиғинни чақаришда ташаббус кўрсатиши ҳам мумкин, яъни йиғинни чақариш масаласини кўтариб чиқиш ҳуқуқига эга. Агар маҳаллий ҳокимият органлари шундай ташаббус билан чиқишса, раис (оқсоқол) албатта йиғин чақиради. Бу ерда ўзаро муносабат шунда кўринадикки, йиғин ё ҳокимият органлари билан келишилган ҳолда чақарилади (агар улар розилик бермаса, чақарилмайди) ёки уларни ташаббуси билан чақарилади. Бунда оқсоқол (раис) бу таклифни рад этиш ҳуқуқига эга эмас.¹

¹ www.pravo.uz

Бу муносабатда ҳар икки ҳолатда ҳам ҳокимият органларининг мавқеи ҳал қилувчи даражада белгиланган.

Тегишли ҳудудларда фуқаролар йиғинини ўтказиш имконияти бўлмаса (бу аҳоли кўпчилигини йиғиш, жой масалалари билан боғлиқ), фуқаролар вакилининг йиғилиши ўтказилиши қонуннинг 6-моддасида белгиланган. Вакиллик меъёрлари эса тегишли халқ депутатлари Кенгашлари ёки ҳоким томонидан белгиланади.

Тажриба шуни кўрсатадики, аҳолининг ҳаммасини (яъни маълум ёшга тўлганларини) тўплаб йиғин ўтказиш анча мураккаб иш ва ҳамма вақт ҳам уни ташкил қилишнинг иложи йўқ, шунинг учун вакиллар йиғилишини ўтказиш анча қулай ва мақсадга мувофиқдир. Вакиллар йиғилиши ваколатли бўлишида, уларнинг вакиллик меъёри тўғри аниқланиши катта аҳамиятга эга. Бу иш эса, маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига берилган.

Фуқаролар йиғини (вакиллик йиғилиши) маълум вақтларда, заруратга қараб чақирилса, жойларда ўзини-ўзи бошқариш фаолияти фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари томонидан амалга оширилади. Раис (оқсоқол), унинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғини (йиғилиши) томонидан сайланади, лекин уларни сайлаш туман ва шаҳар ҳокими билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда фуқаролар йиғини (йиғилиши) ҳамда ҳокимлар иштирок этади ва бу улар ўртасида маълум муносабатларни вужудга келтиради. Туман ва шаҳар ҳокими лозим топса, ҳар қандай вақтда раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларини муддатидан илгари қайта сайлашни таклиф қилиши мумкин¹.

¹ Шўсанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. – Т.:Шарп, 1996. 67 б

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) доимий ишловчи бўғин, у кўпгина давлат органлари бажарадиган вазифаларни бажаради. Шунинг учун табиий равишда раис ўз маҳкамасига эга. Унинг миқдори, раис ўз вазифасини бажаришга тўла имконият яратиб бериши шарт.

Аппарат миқдорини белгилаш, фуқаролар йиғини ихтиёрида, лекин бу масала ҳам ҳоким билан келишилган ҳолда ҳал қилинади. Аппаратни белгилашда ҳам икки томон – фуқаролар йиғини ва ҳоким иштирок этади, натижада бу борада маълум муносабат вужудга келади.

Ҳар қандай органнинг фаолият кўрсатишида моддий имкониятлар муҳим аҳамиятга эга. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, раис, унинг аппарати белгиланган миқдорда ҳақ олиб фаолият юритади. Шу масалада ҳам маҳаллий ҳокимият органлари билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида муносабат вужудга келади. Ўзини-ўзи бошқариш органларининг моддий маблағининг бир қисмини халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан ажратилган бюджет маблағлари ташкил этади.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини тузишда маҳаллий ҳокимият органлари иштирок этар экан, улар маълум даражада, ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолиятини назорат ҳам қилади. Назорат самарали бўлишини ўзини-ўзи бошқариш органларининг қонунга ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга зид қарорларини Кенгашлар ёки ҳокимлар томонидан бекор қилиш тартибини ўрнатилиши таъминлайди. Бу қоида ҳам маълум муносабатларни вужудга келтиради.

Энди ўзини-ўзи бошқариш органларининг вазифаларидан келиб чиқадиган муносабатларни таҳлил қилайлик.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида, – «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади»¹, - деб мустаҳкамланган. Бу моддани мазмунидан кўришиб турибдики, ўзини-ўзи бошқариш институти – бу фуқароларнинг жамият ва давлат ишларида иштирок этишини таъминловчи муҳим воситадир.

Республиканинг қуйи маъмурий-ҳудудий бўлинишларида давлат ҳокимияти органлари тузилмаслиги шу жойларда авваллари давлат органлари бажариб келган вазифаларни ўзини-ўзи бошқарув органларига юкланиши, бу жойда ҳокимиятга тааллуқли баъзи масалалар ҳам шу органлар ихтиёрига ўтганлигини кўрсатади. Ўзини-ўзи бошқариш органлари фуқароларни давлат ва жамият ишларида иштирокини таъминлаш билангина чекланмай, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиши ҳуқуқини амалга оширишга кўмаклашадилар ҳам. Буни турли органларга сайловларда, референдумларда иштирок этишида, маҳаллий аҳамиятга молик турли тадбирларни ўтказишда, маълум вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузиш ҳуқуқига эгалигида кўрамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги 1991 йил 18 ноябрь қонунининг 17-моддасида сайловчилар истиқомат жойларидан участка сайлов комиссияси таркибига аъзолар кўрсатиш ҳуқуқи ва 24-моддасида эса Президентликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эгалиги кўрсатилган. Бу бевосита фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 32-модда

органларига тааллуқли, чунки истиқомат жойларда ҳамма масалаларни улар уюштиради. Фуқаролар номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга экан, бу ҳуқуқни амалга оширишда ўзини-ўзи бошқариш органлари иштирок этади.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларда ўзини-ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг ҳуқуқларини янада кенгроқ таъминлайди. Фуқаролар фақатгина овоз беришда чекланмай, сайловнинг бориши, овоз натижаларини аниқлашда ҳам иштирок этишга ҳақли, бу ҳуқуқлар ҳам ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти орқали рўёбга чиқади. 1994 йил 5 майдаги сайлов тўғрисидаги қонуннинг 6-моддасида, сайлов комиссиясининг мажлисларида овоз бериш натижасини аниқлаш вақтида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирок этиши белгиланган. Фуқароларнинг депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқи ҳам ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали амалга ошади, ушбу қонуннинг 22-моддасида, «Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар сиёсий партияларнинг тегишли туман, шаҳар органлари томонидан ҳамда фуқаролар йиғинларида (вакилларининг йиғилишларида) кўрсатилади», деб белгилаб қўйилган. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг бу ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, амалга ошишига кўмаклашар экан, ўз навбатида туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органларини ташкил этишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади, натижада маҳаллий вакиллик органлари билан ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида тегишли муносабат вужудга келади. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари номзод кўрсатиш ҳуқуқига эгаллиги маълум маънода, вакиллик органлари фаолиятини фуқаролар томонидан назорат қилиб туришни таъминлайди.

Чунки кўрсатилган номзод (у сайланган тақдирда) номзоди кўрсатганлар олдида мунтазаб ҳисоб бериб туради, зарур ҳолларда эса, ўзини-ўзи бошқариш органи ўзи кўпсатган депутатнинг ваколат муддатидан аввал чақириб олиш масаласини кўтариши мумкин. Бу қоида назоратни самарали бўлишини таъминлайди. Депутат билан ўзини-ўзи бошқариш органи ўртасида доимий алоқанинг мавжудлиги, маҳаллий вакиллик органи билан ўзини-ўзи бошқариш органи ўртасидаги муносабатнинг «кўприги» дир. Маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун ҳолатларига асосан, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти устида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, уларнинг фаолияти устидан фуқаролар назорат қилишининг маълум механизми ўрнатилган бўлиб, буни таъминлашда ўзини-ўзи бошқариш органларининг хизмати катта ва булар маҳаллий давлат ва ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида тегишли муносабатларни вужудга келтиради¹.

Ўзини-ўзи бошқариш органларига фуқаролар манфаати, ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда кўмаклашиш борасида берилган вазифалардан бири, раис (оқсоқол) қонунларда кўзда тутилган ҳолларда давлат ҳокимияти вакиллик ва бошқарув органларида, суд идораларида, корхона, ташкилот ва ва муассасалар билан бўладиган муносабатларда фуқаролар манфаатини ҳимоя қилишидир. Фуқаролар ўз ҳуқуқини якка тартибда ҳимоя қилишдан кўра, ўзини-ўзи бошқариш органлари иштирокида ҳимоя қилиши, бу ишнинг натижаси яхши бўлишига кўпроқ имконият туғдиради. Ўзини-ўзи бошқарув органларига турли давлат органларида фуқаролар вакили бўлиши ҳуқуқининг берилиши,

¹ Жалилов Ш. Мащалла янгиланиш даврида.- Т.:Мещнат, 1995. 123 б.

фуқаролар ҳуқуқларини тўла амалга ошиши борасидаги кучли кафолатлардандир.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-хўжалик, маданий тадбирлар давлат органлари ва тегишли ҳудуддаги маҳаллий органлар томонидан амалга оширилади. +уйи маъмурий-ҳудудий бўлинишларда бу вазифалар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилади ва бунда ўз-ўзидан тегишли муносабатлар вужудга келади. Ижтимоий-хўжалик, маданий тадбирларнинг маълум қисмини фуқаролар йиғини (йиғилиш) амалга оширса, маълум қисмини оқсоқол (раис), баъзи тадбирларни эса, улар биргаликда амалга оширади. Ана шу тадбирларни амалга ошириш жараёнида албатта маҳаллий ҳокимият органлари билан муносабатлар вужудга келди.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўзининг фаолият дастурини ҳамда ўз фаолияти учун зарур харажатлар рўйхатини ўзи белгилайди ва тегишли ҳудудни ободонлаштиришда ҳамда унинг санитария ҳолатини яхшилашга доир тадбирлар режасини тасдиқлайди. Бунда улар ўзларининг молиявий имкониятларидан келиб чиқади, маблағларнинг бир қисми эса, туман, шаҳар Кенгашлари томонидан ажратилган бюджет маблағларидан иборат юўлади. Ободонлаштириш, санитария ҳолатларини яхшилаш тадбирларини ўтказиш ҳам бюджетга бевосита боғлиқ. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) эса, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фуқароларнинг иштирок этишини ташкил қилади.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари ўз ҳудудини ижтимоий инфраструктурасини ривожлантиришда қатор тадбирларни амалга оширади, жумладан аҳолини, мулкчиликни барча шаклларидаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг маблағларини ихтиёрийлик

асосида бирлаштириш чораларини кўриб, бу хусусда қарорлар қабул қилади. Оксоқол (раис) ўз ҳудудидаги эгасиз мол-мулкни, шунингдек давлатга мерос тарзда ўтган мол-мулкни сақлаш ва тасарруф этиш чораларини кўради ҳамда қишлоқ жойларда деҳқон хўжаликларининг оилавий мулк тақсимотларини рўйхатга олади¹.

Фуқароларнинг йиғинлари (йиғилишлари) қонунда белгиланган тартибда шу ҳудудда кичик корхоналар, кооперативлар, устахоналар, халқ ҳунармандчилиги цехларини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади, бу жуда муҳим масала бўлиб, бир томондан аҳолини иш билан таъминлаш вазифаси ҳал қилинса, иккинчи томондан шундай ташкилот, корхона ёки устахоналарнинг тегишли ҳудудда бўлиши, ўзини-ўзи бошқариш органлари бюджетига тегишли маблағлар тушишига олиб келади².

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда савдо ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш соҳасида маълум ишларни амалга оширади. Жумладан, фуқаролар йиғини (йиғилиши) давлат ҳокимияти органлари билан келишган ҳолда бу ерда ўзини-ўзи бошқариш органларининг маҳаллий ҳокимият органлари билан муносабати бевосита кўрсатилган, (қонуннинг 17-моддаси) савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари аҳоли учун қулай соатларда ишлашини белгилайди, раис (оқсоқол) эса дўконлар, чойхоналар, бозорлар иши, савдо қоидаларига риоя этилиши, фуқароларга хизмат кўрсатишни таъминлаш устидан назоратни ташкил этади. Алоқа органларига маҳаллий телефон ва почта алоқасини

¹ Тошкент о=шоми. 2004 йил 21 ноябрь

² Йймон-эйти=од маскани.// Хал= сызи. 1994 йил 21 июнь

ривожлантиришда, радиолаштириш соҳасида, маҳаллий алоқа иншоотларини муҳофаза қилишда ёрдам беради.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ер муносабатлари соҳасида тегишли вазифаларни бажаради ва бу соҳадаги йиғинлар билан раисларнинг ваколатлари алоҳида-алоҳида белгиланган. Шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқароларининг йиғини (йиғилиши) раис (оқсоқол) нинг шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун ажратилиб бериладиган ер учаскалари тўғрисидаги тақдимномасини, раис (оқсоқол) нинг корхоналарга, муассасаларга, фуқароларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер бериш ҳамда бу субъектларнинг ерларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ҳуқуқларини тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларнинг эгалигидаги ерлар таркибига кирмайдиган, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳолиси пунктлари чегарасидаги ерларни олиб қўйиш тўғрисидаги қарорларни тасдиқлайди. Юқоридаги масалалар раис (оқсоқол) томонидан ҳал қилинади, лекин улар йиғин (йиғилиш) да тасдиқланади. Бундан ташқари раис тегишли ҳудуддаги ерларни ишлатилиши ва муҳофаза этилиши устидан назорат қилади, иморат қуриш қоидаларига, хонадонларга туташ жойларнинг ораста бўлиши, жониворларни сақлашга доир ветеринария қоидалари бажарилиши устидан жамоат назоратини ташкил қилади¹.

Аҳолининг меъёрида турмуш кечиришини, соғлиғини таъминлаш, кадриятларни ҳурматлаш борасида маҳаллий давлат органлари билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари биргаликда кўплаб вазифаларни бажаради. Аҳоли пунктлари, сув таъминоти иншоотлари, уй-жойлар, мактаблар ва бошқа муассасаларнинг санитария ҳолати

¹ Шусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. – Т.:Шарп, 1996. 72 б

устидан назорат қилиш ишларига раис (оқсоқол) кўмаклашади. Раис (оқсоқол) қабристонлар, биродарлик қабристонлари ва бошқа мазорларни саранжом сақлаш юзасидан жамоатчилик ишларини ташкил этади. Раис (оқсоқол) солиқ, суғурта ва бошқа хилдаги тўловларни ўз вақтида тушишига кўмаклашиши билан маҳаллий бюджетнинг шаклланишига ҳисса қўшади.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жумладан раис жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат мудофааси ишларига ёрдам бериш борасида салмоқли ишларни амалга оширади. Бу мақсадда улар тегишли ҳудудларда ёнғинга қарши тадбирлар ўтказишни ташкил этади, зарур бўлганда табиий офатларга қарши курашга ва уларнинг оқибатини тугатишга фуқароларни жалб қилади. Ўз ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши курашда тегишли органларга ёрдам беради. Айниқса, кейинги пайтда бу масалада маҳаллаларга катта умид боғланмоқда. Ўзини-ўзи бошқариш органларининг мамлакат мудофааси билан боғлиқ вазифаларга, уларнинг ҳарбий хизматга мажбур шахслар ва чақирилувчиларни ҳарбий комиссариатларга чақирилаётганидан хабардор этишни ташкил қилиши, аҳолини фуқаро мудофаасига боғлиқ тадбирлар ўтказишга жалб этиш киради.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, тегишли ҳудудда моддий ва маънавий ёрдамга муҳтож аҳолига турли ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ тадбирларда иштирок этади, уларнинг бу борадаги вазифалари, давлат ва жамоат органларига ногиронлар, боқувчисидан маҳрум бўлган оилалар, кўп болали оилалар, ёлғиз оналар, шунингдек табиий офатлардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва уй-жой,

маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида таклифлар киритиш; вояга етмаганларни назоратсиз қолишининг олдини олиш ишларини ташкил этиш; ота-онасиз қолган болаларни тегишли муассасаларга ёки ишга жойлаштиришга кўмаклашиш ҳисобланади.

Раис (оқсоқол) ўз ҳудудида, турли оммавий ва маданий тадбирларни уюштириш билан давлат органларига ёрдам беради. Улар аҳоли ўртасида турли мавзуда маъруза ва суҳбатлар ташкил қилади, кино хизмати мунтазам бўлишига, китоб савдоси ривожланишига, газета ва журналларни тарқатилишига ёрдамлашади. Аҳоли оммавий дам олиши, спорт билан шуғулланиши учун чора-тадбирлар кўради. Байрам кунлари ва шонли саналар муносабати билан оммавий-маданий тадбирлар ўтказишни ташкил қилади.

Раис (оқсоқол) ўз ҳудудидаги фуқароларни қабул қилиб, уларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини кўриб чиқади. Мурожаат уларнинг ваколат доирасидаги масалаларга тааллуқли бўлса, ўзлари шу масалани ҳал қилади ёки шу масалада қайси органларга мурожаат этишни фуқароларга кўрсатиб беради. Ўзини-ўзи бошқарув органлари ўз ҳудудидаги фуқароларга, уларнинг шахсини, оилавий ва мулкый аҳволини тасдиқловчи маълумотномаларни беради.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, фуқаролар йиғинининг кўча ва майдонлар, аҳоли пунктлари таркибий қисмининг номини ўзгартириш, уйларни рақамлаб чиқиш хусусида тегишли органларга таклифлар киритади. Шунингдек, йиғин маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг чегараларини ўзгартириш хусусида ҳам тегишли органларга таклифлар киритади. Бунда ҳам маҳаллий ҳокимият органи билан ўзини-ўзи бошқариш органи ўртасида ўзаро муносабат яққол кўринади.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг маълум қисми қонунлар, Олий Мажлиснинг қарорлари, ҳукумат қарорлари ҳамда бошқа давлат органларининг ҳужжатлари бажарилишига ёрдам беришдир. Ўзини-ўзи бошқариш органлари бу вазифасини кўрган вақтда уч ҳолатга эътибор бериш керак. Биринчидан, қонун, қарор ва бошқа ҳужжатларни бажаришга кўмаклашиш мақсадида фуқароларни бирлаштириш ёки уларни шу ишга жалб қилиш; иккинчидан, қонун ва юқори давлат органлари ҳужжатларини амалга оширишда маҳаллий давлат органларига ёрдам бериш; учинидан, қонун ва бошқа ҳужжатларни бевосита ўзлари бажариши, ана шу уч ҳолатдан ўзини-ўзи бошқариш органлари билан маҳаллий ҳокимият (уларнинг структуралари) ўртасида тегишли муносабатлар вужудга келади.

Ҳозирги кунда экологик, санитария масалаларига тааллуқли қонун меъёрларини, давлат органларини қарорларини бажаришга аҳолини жалб қилмасдан туриб тўла эришиб бўлмайди. Шунингдек, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ишларига ҳам аҳолини кенг жалб қилганда, кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Ана шу вазифаларни ҳал қилиш мақсадида ўзини-ўзи бошқариш органлари турли комиссиялар тузиши ва уларнинг фаолиятида аҳоли фаол иштирок этиши мумкин.

Баъзи соҳаларда назорат ўрнатиш ҳуқуқи ҳам аҳоли қонун ва қарорлар бажарилиши ишларига жалб этилади, масалан: оқсоқол (раис) ўз ҳудудида умумий овқатланиш, бозорлар, савдо муассасаларда қоидаларга риоя қилиниш ҳамда фуқароларда турли хизмат кўрсатиш устидан иморат қуриш қоидаларига риоя этиш, хонадонларга туташ жойларнинг ораста бўлиши, жониворларни сақлашга оид ветеринария

қоидаларини бажариш устидан жамоат назоратини ташкил қилар эканлар, бу ишларга аҳолини кенг жалб қилади, шу мақсадда ҳар хил комиссиялар тузади¹.

Фуқароларнинг давлат органларига қандай масалаларда ёрдам бериши, кўмаклашиши қонун меъёрларида у ёки бу шаклда ўз ифодасини топган.

Аҳоли истиқомат жойлари, сув таъминоти манбалари, уй-жойлар, мактаблар, мактабгача ёшдаги болалар ва бошқа муассасаларнинг санитария ҳолати доимо давлат органларининг назоратидадир. Айниқса, бу бизнинг иссиқ иқлимимизда, яъни ёз пайтларида жуда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун қонунда раис (оқсоқол) шу вазифани бажаришда давлат органларига кўмаклашиши белгиланган.

Ҳар бир давлатнинг иқтисодий қудратини таъминловчи воситалардан бири, аҳолидан тушадиган солиқлардир. Солиқ ва йиғимлар тури, миқдори тегишли давлат органлари томонидан белгиланади, лекин солиқ ва тўловларни ўз вақтида тушишини таъминлашга ўзини-ўзи бошқариш органлари, яъни раис (оқсоқол) кўмаклашади.

Ҳозирги куннинг энг муҳим муаммоларидан бири, жамоат тартибини сақлашни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашдир. Бу нарсани тегишли даражада ҳал қилмай туриб, ҳуқуқий давлат қуриб бўлмайди, бозор иқтисоди муносабатини ўрнатиш ҳам мумкин эмас. Шунинг учун бу масалага ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёндашмоқда, лекин масала шу даражада жиддийки, уни фақат давлат органларига таяниб ҳал қилиш мумкин эмас, у ишга кенг жамоатчилик фаол жалб қилиниши зарур. Бу хусусда ҳам ўзини-ўзи бошқариш

¹ Адолат. 1998 йил 17 ноябрь

органлари фаолиятдан кенг фойдаланилади, яъни қонунга асосан улар тегишли органларга жамоат тартибини сақлашда, жамоатчиликнинг илдизини қуритишда кўмаклашадилар.

Шунингдек, раис (оқсоқол) ўз ҳудудида вояга етмаганларни назоратини ташкил қилар эканлар, ота-онанинг қарамоғисиз қолган болаларни тегишли муассасаларга жойлаштиришга, аҳоли оммавий равишда дам оладиган жойларни ташкил этишга, спорт иншоотлари тармоғини ривожлантиришга кўмаклашувини бир томондан фуқароларга нисбатан кўрсак, иккинчи томондан давлат органларига нисбатан кўрамиз.

Ана шу кўмаклашув жараёнида маҳаллий ҳокимият органлари билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида тегишли муносабатлар вужудга келади.

Раис (оқсоқол) кўпгина ҳолларда, қонун ва бошқа юқори давлат органлари ҳужжатларини ўзи бажаради. Бунга мисол қилиб, ўзини-ўзи бошқариш органларини байрам кунлари ва шонли саналар муносабати билан оммавий тадбирларни ташкил қилиши, фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиши ва бошқаларни айтишимиз мумкин, бу ишларда ҳам маҳаллий ҳокимият органлари билан ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида муносабат вужудга келади. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига жуда кўп масалаларда ҳокимият идораларига таклифлар киритиш беберилган бўлиб, бу ҳам ўз навбатида ўзаро муносабатлар тизими маълум муносабатларни вужудга келтириб чиқаради. Масалан, раис (оқсоқол) давлат органларига боқувчисидан маҳрум бўлган оилалар, ногиронлар, кўп болали оилалар, ёлғиз оналар, шунингдек, табиий офатлардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида таклифлар

киритади. Бу таклифлар ҳокимият идораларида кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинади.

Хуллас, Ўзбекистон фуқароларининг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳақидаги қонунчиликни ўрганиш, айрим чет мамлакатларнинг шу хусусдаги қонунларини кўриб чиқиш, бу масалани янада такомиллаштиришга хизмат қиладиган баъзи фикрларни бериш имкониятини туғдиради.

1. Маҳаллий ҳокимият органлари билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида вужудга келадиган муносабатлари доирасига, мазмунига, хусусиятга, ўзини-ўзи бошқариш органларини давлат органлари (вакиллик органлари) тизимидан ажратилганлиги бевосита таъсир қилади. Аввал айтганимиздек, бу органларнинг бири-биридан ажратилганлиги, давлат ҳокимияти органлари масъулиятининг ошишига сабаб бўлганидек, мустақил тизимнинг вужудга келиши, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳам масъулиятини оширди, улар мустақиллигининг кучайишига олиб келади. Фуқаролар йиғини (йиғилиши) ўзини-ўзи бошқариш органи сифатида эътироф этилиши, уларнинг тузилишида маҳаллалар таянч қилиб олиниши, мустақиллик натижаси ва миллий кадриятларни тиклаш, деб тўла асос билан айтиш мумкин. Ўзини-ўзи бошқариш тизимини бошқа мамлакатлардан яққол ажратиб турадиган хусусиятлар билан ташкил қилиниши ҳам Ўзбекистоннинг ўз мустақил йўли мавжудлигидан далолат беради. Ўзини-ўзи бошқариш органлари қонунда ҳокимият органи, деб эътироф этилмаса ҳам уларнинг мавқеи, тутган ўрни, бажарадиган вазифаларига кўра бу органларни халқ ҳокимияти органи деб эътироф этиш мумкин. Бунда фақат уни давлат ҳокимияти органларидан фарқлаш зарур. Чунки аҳоли ўз ҳокимиятини шу органлар

орқали ҳам амалга оширади. Ўзини-ўзи бошқариш органлар фаолияти орқали ҳокимиятни икки шаклда бўлишини кўрамиз. Биринчиси давлат ҳокимияти, уни давлат органлари амалга оширади (улар ишида ҳам аҳоли иштирок этади), иккиниси халқ ҳокимияти, ана шу халқ ҳокимиятининг энг қуйи бўғини, ўзини-ўзи бошқариш органларидир.

2. Маҳаллий ҳокимият органлари билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасидаги муносабатларда бир томонда, албатта ўзини-ўзи бошқариш органлари, иккинчи томонда эса ё вакиллик ва ижро ҳокимияти органи (бирга) ёки вакиллик органи ёхуд ижро ҳокимият органи (кўп ҳолларда ижро ҳокимиятнинг тармоқ идоралари) иштирок этади. Масалан, +онуннинг 5-моддасида фуқароларнинг йиғинининг раиси (оқсоқол) халқ депутатлари Кенгаши ёки ҳоким билан келишиб чақирилишининг белгиланиши, муносабатларини иккинчи томонида вакиллик органлари ҳам туришини кўрсатади. +онуннинг 15-моддасида ўзини-ўзи бошқариш органларини молиявий ресурсларини белгилашда халқ депутатлари Кенгашлари иштирок этса, қонуннинг 10-, 13-моддаларида белгиланган раис ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш, муддатидан илгари сайлаш ишларида, ҳокимларнинг иштирок этиши белгиланган. +онуннинг баъзи ҳолатлари ўзини-ўзи бошқариш органларин бевосита бошқа органлар билан муносабатига асос солади. 23-моддадаги жамоат тартибини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмаклашининг белгиланиши бунга мисол бўлади.

3. Ўзини-ўзи бошқариш органлари деганда, фуқаролар йиғини (йиғилиши) тушинилиб, бир қараганда уларнинг ваколатлари бир хилдек кўринса ҳам, қонун меъёрларига эътибор бериш, уларнинг ваколатлари ўртасида фарқ борлигини кўрсатади. Бу фарқ ўзини-ўзи

бошқариш органлари қайси ҳудудда тузилганлигидан келиб чиқади. Ўзини-ўзи бошқариш органлари шаҳарча, қишлоқ, овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳардаги маҳаллаларда тузилади. Маҳаллаларда тузиладиган ва фаолият кўрсатадиган ўзини-ўзи бошқариш органларидан, қишлоқ, овуллар ўзини-ўзини бошқариш органларининг ваколати кенгроқ, буни қонуннинг 17- ва 18- моддаларида кўришимиз мумкин. Ана шу икки моддада кўрсатилган, масалан, 18-моддада уларнинг ер муносабатларига доир ваколатлари кўрсатилганки, бундай ваколатларга маҳаллада тузилувчи ўзини-ўзи бошқариш органлари эга эмас.

4. Маҳаллий ҳокимият органлари билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари муносабати қонун меъёрларида турли сўзлар орқали белгиланган ўзини-ўзи бошқариш органлари, давлат органлари фаолиятига «кўмаклашади», «ёрдам беради», «жалб қилади», «уюштиради», «назорат қилади» деган сўзлар улар ўртасидаги муносабатларга асос бўлади. Ана шу сўзлар муносабатларнинг бир бутун тизимини вужудга келтиради ва уларнинг ҳар бири ҳар томонлама, чуқур илмий таҳлилга муҳтождир.

2.3. Маҳалла оқсоқоллари ва халқ маслаҳатчилари сайлови - қонунга итоаткорликнинг намунаси.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1999 йилнинг 14 апрелида «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрирда) қабул қилинди. Мазкур қонун фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқи, органлари, уларнинг ваколатлари, сайлаш тартиби ва ҳоказоларни белгилаб берди ва шу қонун талабларига риоя қилган ҳолда ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бўлиб ўтди. Худди шундай сайловлар 2003 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бутун республика миқёсида амалга оширилиб, унда маҳалла оқсоқоллари ва халқ маслаҳатчилари сайланди.

Бундай сайловларнинг ўтказилиши фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва халқ маслаҳатчиларини сайлаш тизимини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Айнан шунинг учун ҳам фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ниҳоятда муҳим эди. Ушбу мақсадда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун иккинчи ўқишда қабул қилинди¹.

Маълумки, қонунчилик органи томонидан қабул қилинадиган ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳаётда амал қилса, ҳуқуқий муносабат иштирокчилари томонидан татбиқ этилса, маъно-мазмун ва қимматга эга ўлади. Шунинг учун қонунда уни жорий этиш механизми мужассамланиши, ҳуқуқий муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилиши лозим.

¹ Азизов Н. Оқсоқоллар =андай сайланиши керак? // Шу=у=.Право.-Law. 2004. №2. 37 б

Юридик фанлари номзоди Н.Азизов фикрича, таҳлил этилаётган қонунда ўринсиз қўлланилган ҳуқуқий тушунчалар, зиддиятли ҳолатлар учраб туради. Унинг 6-моддаси фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол)ни ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш масалаларини тартибга солишга қаратилган. Унда кўрсатилишича, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғини томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса фуқаролар вакиллари йиғилиши томонидан 2,5 йил муддатга сайланадилар.

Норманинг мазмунидан кўришиб турибдики, қонун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш ҳуқуқини икки мустақил субъектга: биринчиси, «фуқаролар йиғини»га, иккинчиси, алоҳида ҳолларда «фуқаролар вакиллари йиғилиши»га бермоқда.

Мазкур қонун ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ва ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2003 йил 30 август) қонунларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими мустаҳкамланган.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сифатида қуйидагилар белгиланган: «шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг, шунингдек, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) фуқаролар йиғини кенгаши; фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар; фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси; туман марказидан олисда жойлашган ва бориш қийин бўлган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тузиладиган маъмурий комиссия».

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ги қонун билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимига жиддий ўзгартиришлар киритилди. Шу муносабат билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тизими, уларнинг ҳуқуқий мақоми янада аниқроқ белгилаб берилди. Унга кўра, «шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллалар фуқароларининг йиғинлари фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидир» (7-модда).

Юқорида санаб ўтилган бошқа органлар эса фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари деб эмас, балки *фуқаролар йиғинининг органлари* деб аталадиган бўлди (8-модда).

Бу ерда бир ҳолатга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. +онунларнинг бирортасида вакиллар йиғилишини фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари сифатида алоҳида белгиланмайди. Шундай бўлсада, 2003 йил 30 августдаги ўзгартириш ва қўшимчаларда вакиллик йиғилиши тўғрисида сўз боради. +онун 8-моддасининг тўққизинчи қисмида қайд этилишича, фуқаролар йиғинлари комиссияси таркибига сайлаш фуқаролар йиғини ёки вакиллар йиғилишида амалга оширилади.

Мазмунан фуқаролар йиғини ва фуқаролар вакиллари йиғилиши бир-биридан фарқ қилади. Фуқаролар йиғинида муайян ҳудудда яшовчи, 18 ёшга тўлган барча фуқаролар (суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар бундан мустасно) иштирок этадилар. Юридик энциклопедияда фуқаролар йиғинига қуйидагича тавсиф берилади: фуқаролар йиғини – «фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишда бевосита иштирок этиш шакли» дир.

Фуқаролар вакиллари йиғилиши эса, фуқароларнинг фақатгина маълум қисми йиғилишини назарда тутди. Вакиллик институти – фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни амалга оширишнинг шакли сифатида талқин этилади. Унга кўра, вакил маълум бир шахс номидан ҳуқуқий кучга эга бўлган ваколатни амалга оширувчи иккинчи бир шахс ҳисобланади. Демак, вакиллар йиғилиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини амалга оширишда билвосита, яъни ўз вакиллари орқали иштирок этиш шаклидир.

Шундай қилиб, фуқаролар йиғини ва фуқаролар вакиллари йиғилиши бир-биридан фарқ қилувчигуналар ҳисобланади.

Бундан ташқари, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ги қонуннинг 10-моддасида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш ҳуқуқини фуқаролар йиғинига берилганлиги мустаҳкамланган. Унга кўра, шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раислари ва аъзоларини сайлайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ўзаро мувофиқлиги ва мунтазамлигини таъминлаш мақсадида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш фуқаролар йиғининг ажралмас ҳуқуқи сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

+онуннинг 9-10-моддалари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар тузиш, уларнинг таркиби ҳамда ваколатларини тартибга солишга қаратилган. Мазкур

комиссиялар +орақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ҳамда шаҳарлар ҳудудида тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органининг қарори билан фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш даври учун тузилади. Комиссияларнинг асосий мақсади ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларни ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам беришдан иборат¹.

Комиссияларнинг таркибига фуқаролар йиғинларининг, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, нодавлат, ноижорат ташкилотларнинг вакиллари киритилиши белгиланган. Н.Азизовнинг фикрича, ушбу моддада комиссияларнинг миқдорини (ҳудуд ҳажми ва аҳоли сонини инобатга олган ҳолда) ҳамда комиссия таркибига киритилаётган вакиллар нисбатини аниқ белгилаб қўйиш мантиқан тўғри бўлар эди².

Ушбу қонун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларда аҳолининг тўлиқ эркинлиги, том маънода ўзини ўзи бошқаришга тўла шарт-шароит яратиши керак. Аҳоли ўз ҳудудларида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда фаол қатнашишлари, ўзлари тавсия этаётган номзодларнинг сайланиши учун курашишлари, номзодлар кўрсатиш эса муқобиллик асосида ташкил этилиши лозим. Бу ўринда давлат ҳокимияти органларининг аралашуви умуман бўлмаслиги зарур. шу ҳолат асосий тамойил сифатида қонуннинг бошдан охиригача қамраб олинишини талаб қилади.

Айтиш керакки, Н.Азизов бу қонунни таҳлил эта туриб, жуда ўринли таклиф ва мулоҳазалар билдирган. жумладан, қонунда

¹ www.pravo.uz

² Азизов Н. О=со=оллар =андай сайланиши керак? // Шу=у=.Право.-Law. 2004. №2. 37 б

мустаҳкамланиши кўзда тутилган айрим ҳолатларни умуман чиқариб ташлаш ёки ўзгартиришга муҳтож эканлигини айтиб ўтган. Масалан, қонуннинг 10-моддасида комиссияларнинг ваколатларидан бири сифатида «фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларидан кейинчалик тегишли туманлар, шаҳарлар ҳокимлари билан келишиш учун раислар (оқсоқоллар) вазифасига номзодларга доир ҳужжатларни қабул қилиб олишлари»; фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) вазифасига номзодлар кўрсатиш масаласи мустаҳкамланаётган 14-моддасида эса «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатлар туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига» топширилиши кўзда тутилган эди. Бу ерда адолатли савол туғилади: қандай масалаларда келишиш учун номзодларга доир ҳужжатлар туман ёки шаҳар комиссиясига топширилади? Ваҳоланки, қонунда номзодларга қўйилаётган талаблар аниқ белгилаб берилмоқда¹.

Мазкур ҳолатлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мустақиллигига, аҳоли иродасининг тўлиқ намоён бўлишига тўсқинлик қилади. Шунинг учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодларга доир ҳужжатларни шаҳар ва туман ҳокимлари билан келишишни белгиловчи қоидалар қонун матнидан чиқариб ташланиши даркор.

+онуннинг 14-моддаси аҳоли иродасини демократик тарзда ифодалашнинг бир кўриниши бўлган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатишдек муҳим муносабатни тартибга солишга қаратилган. Ҳудуд аҳолисининг ўзи билан ёнма-ён

¹ Азизов Н. Оқсоқоллар =андай сайланиши керак? // Шу=у=.Право.-Law. 2004. №2. 38-39 б

яшаётган, тўю-маракасини ўтказишга бош-қош бўладиган, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий юксалиши учун жон куйдирадиган номзодни кўрсатиши ва унинг тегишли тарзда рўйхатга олиниши, фуқароларнинг сайловларда ҳам фаол иштирокини таъминлайди.

+онуннинг 15-моддасида, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодларга қўйиладиган талаблар белгиланган. Унда мустаҳкамланаётган икки ҳолат алоҳида эътиборга сазовор. Биринчиси, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодларга «олий маълумотли бўлиш», иккинчиси, «сайлов кунигача тегишли ҳудудда доимий яшаган бўлиш» лозимлиги тўғрисидаги талабдир. Мазкур ҳолатларнинг белгиланиши норманинг ўзида бирмунча зиддиятли вазиятни келтириб чиқаради. +онун талабига кўра, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзод бир вақтнинг ўзида ҳам «олий маълумотли» ва ҳам «ташкilotчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши» лозим. Номзод олий маълумотга эга бўлиши мумкин, лекин у ёши жиҳатидан қонунда кўрсатилган бошқа талабларга жавоб бера олмаслиги мумкин. Аксинча, номзод етарли тажрибага, обрў-эътиборга, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиб, олий маълумотли бўлмаслиги мумкин.

Мазкур норманинг шу таҳрирда қабул қилиниши аҳолининг ҳақиқий етакчиси бўла оладиган, уларни тегишли ҳудуд доирасидаги вазифаларини ҳал этишга сафарбар этадиган, бошини қовуштира оладиган шахсларни номзод сифатида рўйхатга олинишига тўсқинлик қилади. Масалан, олий маълумотсиз, заводда оддий ишчи бўлиб ишлаган, лекин катта тажрибага эга бўлган меҳнат фахрийси, обрў-эътиборли инсон бу талабларга жавоб бермаслиги мумкин.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодларга қўйилаётган «сайлов кунигача тегишли ҳудудда доимий яшаган бўлиши» лозимлиги тўғрисидаги талаб ҳам жуда мавҳум. Сайлов қонунчилиги тажрибасига кўра, сайланаётган номзодларга муайян ҳудудда яшаган бўлишининг аниқ муддатини белгилаш қабул қилинган. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги +онунда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига Ўзбекистонда «бевосита сайловгача камида ўн йил муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин»лиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг +онунчилик палатаси ва Сенатига, шунингдек, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайланиш ҳуқуқига камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эгаллиги мустаҳкамланган.¹

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодларга қўйилаётган «олий маълумотли» бўлиш тўғрисидаги талабни чиқариб ташлаш ҳамда «сайлов кунигача ҳудудда доимий яшаган бўлиши» тўғрисидаги талабни аниқ белгиланган муддат билан алмаштириш мақсадга мувофиқ. Ҳудуднинг, яъни маҳалланинг кичиклигини инобатга олган ҳолда, ўша ерда яшовчи аҳолининг эҳтиёжлари, уларнинг шарт-шароитларини ўрганиш учун камида икки йил муқим яшаш етарлидир.

Шундай қилиб, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига доир сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, уни аниқ амалга ошириш механизмига эга бўлиши халқнинг ўзини ўзи бошқаришга янада

¹ www.lawlib.freenet.uz

жалб этади. Жамият ҳаётида демократиянинг чуқур илдиз отишига шарт-шароит яратади.

Истиқлол бизга мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини очиб берди. Сайлов қонунчилигидаги янгиланишлар ҳам халқ хоҳиш-иродасини ифодалашда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатимизда ҳадемай ўтказиладиган тадбир ҳам фуқароларимизнинг сиёсий онги ва тафаккурида, дунёқарашида ижобий ўзгаришлар ясаши табиий.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, фуқаролар йиғинлари, яъни ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар икки ярим йил муддатга раис (оқсоқол)ни ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Бу сайлов тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва маслаҳатчиларини сайлаш тўғрисида»ги қонунлар асосида амалга оширилади.

Жорий йилнинг май-июн ойларида ўтказилиши кутилаётган бу тадбир мамлакатимиз фуқаролари ҳаётида катта сиёсий воқеага айланиши, шубҳасиз. 2006 йил 15 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Олий Мажлис қонунчилик палатаси, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ташаббуси билан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловнинг ҳуқуқий асослари» мавзусидаги давра суҳбати ана шу масалаларга бағишланди. Унда Олий Мажлис қонунчилик палатаси қўмитаси раиси А.Саидов оқсоқоллар сайлови бениҳоя муҳим сиёсий тадбир эканлигини таъкидлаб, унга жиддий

тайёргарлик кўриш лозимлигини, бу жараёнда фуқаролар фаоллиги ўта муҳимлигини, тараддуд босқичларида барча кучларни жипслаштириш зарурлигини айтди¹. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли)ни ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш жараёнига доир тадбирлар республикаимизда кенг равишда ўтказилади.

¹ Хал= сызи, 2006 йил 16 март

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

И.А.Каримов “Ўзбекистон буюк келажак сари” асарида: “Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Бу-мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу-инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир”¹ деган фикрни билдириб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи халқ деб кўрсатилиши (17-модда), давлат ҳокимияти тизимининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши (11-модда) қоидаларига мос равишда вакиллик ҳокимият органлари тизимидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими ажратилади.

Кўп вақтлар маҳаллий вакиллик органлари билан ўзини ўзи бошқариш органлари ягона тизим сифатида қаралган, яъни маҳаллий вакиллик органлари ўзини ўзи бошқариш органлари тизими киритилган. Аслида эса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат вакиллик органлари тизимига кирмайди. Бу тушунча Конституцияда ҳам, махсус қонунларда ҳам ўз аксини топган.

1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун ҳамда 1999 йил 11 майдан бошлаб кучга кирган унинг янги таҳрири ўзини ўзи бошқариш соҳасини тубдан ислоҳ қилиб, уни қайта қуришнинг асосларини белгилаб берди. Ушбу қонунда кўрсатилганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти тизимидан ажратилган, мустақил, кўпқиррали ваколатларга эга бўлган, жамиятнинг пойдевори

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б.15.

ва таянчи ҳисобланган ўзини ўзи бошқарувчи жамоа ҳуқуқий мақомига эга.¹

Айтиш мумкинки, мазкур ҳуқуқий меъёрлар ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётимизда катта тарихий воқеа бўлди. Ўзбекистон Республикасида мавжуд барча 10 мингга яқин маҳаллалардаги фуқаролар йиғини ўзини-ўзи бошқаришнинг асосий бўғини, органлари сифатида расман тан олинди. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллаларнинг мавқеини кўтарди, уларнинг ҳуқуқий мақомини, салоҳиятини ва вазифаларини белгилади. Фуқаролар йиғинлари ҳар бир шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда, яъни муайян ҳудудда яшовчи фуқароларнинг ташаббуси билан ташкил қилинмоқда.

Фуқаролар йиғини шу ҳудудда яшаб турган жамоанинг фикрини ҳисобга олувчи ҳамда давлат ва аҳолини боғловчи демократик тарздаги жамоат муассасаси ҳисобланади. Ўзини ўзи бошқариш органлари икки ярим йил муддатга сайланиб, унда оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари бошқарувни амалга оширади.

1998 йилнинг 23 апрелида Юртбошимиз томонидан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Бу муҳим ҳужжат фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар раислари ва котибларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини, масъулиятини янада ошириш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кўзда тутди.

Маълумки, 1994 йилдан бошлаб мамлакатимизда кам таъминланган ва кўп болали оилаларга ёрдам кўрсатиш тизимини тубдан ислоҳ қилишга киришилди. Бу йўналишдаги қабул қилинган ҳужжатлардан бири – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кам таъминланган

¹ Мащмудбеков Ш. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари // Жамият ва бошқарув. 2002. №4. 32-33 б

оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги фармонига кўра, нафақаларни тайинлаш ва тўлаш ишлари бевосита жойлардаги одамларга энг яқин турувчи маҳалла фуқаролар йиғинлари тасарруфига берилди. Улар орқали муҳтожларга манзилли ёрдам бериш энг оддий, аммо самарали ва ошкор восита эканлигини ҳаётимизнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Президентимиз томонидан қабул қилинган «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари родини ошириш тўғрисида»ги (13.01.1999) ҳамда «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги (25.01.2002) фармонлар ижтимоий ҳимоя соҳасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига янги ваколатлар беришни назарда тутди. Мазкур фармонлар қатор мақсадларнинг ижросини таъминлашга қаратилган:

1) фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий родини ошириш ҳамда молиявий базасини мустаҳкамлаш;

2) ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш;

3) муҳтож, айниқса кичик ёшдаги болалари бор бўлган оилалар учун аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад кўрсатишни такомиллаштириш;

4) аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни шакллантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни сезиларли даражада кучайтириш.

2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши фуқаролик жамиятининг ноёб куртаги бўлган маҳаллагатянгича эътибор, унинг ижтимоий-сиёсий моҳиятини очиб бериш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Бугунги кунда ўзбек маҳалласи – давлатимизнинг пировард мақсади бўлган озод ва обод фуқаролик жамиятининг табиий туғма куртагидир.

У биринчи навбатда оила, мақаб, оммавий ахборот воситалари каби жамият аъзоларини сиёсий ижтимоийлаштиришнинг энг ишончли воситасидир.

У – ихтиёрий аъзолик ва махсус низом билан ташкил этиладиган жамоат ташкилотларидан фарқли ўлароқ, табиий аъзолик асосида ташкил топадиган ҳудудий бирликдир.

У – юридий шахс бўлиш билан бирга нуфузли маънавий шахсдир.

У – давлат идоралари устидан ўрнатилиши лозим бўлган жамоатчилик назоратининг энг холис нозиридир. Бу соҳада Президентимиз: «Ўзини ўзи бошқаришнинг халқимизга хос ноёб усули бўлган маҳалла жамоатчилик назоратини ташкил этишда ҳам шундай салоҳият ва имкониятларга эгаки, биз улардан ҳали-бери тўлиқ фойдалана олганимиз йўқ. Бинобарин, бу борада ҳам ишлашимиз керак»,¹ деганларида мутлақо ҳақ эдилар.

Бугунги кунда маҳалла йўлбошчилигини ватанпарварлик ҳис-туйғуси ривожланган, жамият муаммолари ва давлат сиёсатини тўғри тушуниб, уларга ечим топиб, фуқароларга етказадиган маърифатли, ташаббускор кишиларга топшириш вақти келди. Чунки ҳозирги пайтда маҳалла давлатнинг ишончли таянчига айланиб бормоқда.

Президент Ислам Каримов маҳаллани бошқаришда оқсоқолнинг мавқеига катта баҳо бериб: «Маҳаллада турмуш тажрибасидан ақли тўлишган, ҳар бир ишни ўрнига қўя оладиган кишилар яшайди. алқнинг ўзи сайлайдиган, маҳалла оқсоқоллари, уларнинг маслаҳатчилари ва фаоллари маҳаллада яшовчи ҳар бир кишининг моддий ва мулкый

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фарвон шаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

аҳволини, ҳар бир оиланинг даромад манбаларини ипидан игнасигача биладилар», деб қайд этиб ўтган.²

Маълумки, маҳалла оқсоқоли шу маъмурий-худудий бирликнинг юқори мансаб эгаси бўлиб, фуқароларнинг ижтимоий ўзини ўзи бошқариш органларига бошчилик қилади. Шаҳарча, қишлоқ, овуллар фуқаролар йиғинларининг ваколатлари доираси маҳаллаларга нисбатан бирмунча кенгроқ. Уларга обрў-эътиборли, билимли, тадбиркор, ташаббускор, фидойи, ўз фикрини эркин ва мустақил ифодалай оладиган кишилар сайланиши лозим. Юртбошимиз таъкидлаганидек, ўзини ўзи бошқариш органлари раислари «...ташкилотчилик, хўжалик ишлари билан бир қаторда, аввало, ўзини ўзи бошқариш масалалари билан кўпроқ шуғулланишлари керак. Шунингдек, фуқаролар йиғинларининг меҳр-мурувват, ёшлар тарбияси, жиноятчиликнинг олдини олиш, тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги бугунги фаолиятини ҳам кучайтириш зарур...Чунки маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади. Шу маънода унинг мавқеини кўтариш нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки улкан тарбиявий ва маънавий масаладир. Биз маҳалла тизимига шу нуқтаи назардан қарашимиз лозим».¹

Хулоса қилиб айтганда, ўзини ўзи бошқариш органлари иш фаолиятининг янгича мазмунда шаклланиши ва такомиллашуви фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокини кенгайтириб, уларнинг сиёсий фаоллигини қисман бўлса-да, оширди. Бу эса жамиятимизда демократлаштириш жараёнларининг чуқурлашиб, «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» ўтаётганлигидан далолат беради.

² Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йилида – Т.:Ўзбекистон, 1999

¹ www.press-service.uz

ТАВСИЯЛАР

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни, уларнинг қонуний асослари тўғрисидаги ушбу битирув-малакавий ишимизда келтирилган маълумотлар, чиқарилган хулосалардан «Ўзбекистонда демократик жамияти қуриш назарияси ва амалиёти», «Политология», «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» фанларидан тегишли мавзуларни ўрганишда фойдаланиш тавсия этилади. Бугунги кунда талабаларнинг мустақил таълим олишларига катта аҳамият берилмоқда. Шу муносабат билан ҳар бир фан юзасидан талабалар учун уйга вазифа сифатида мустақил иш топшириқларини ишлаб чиқиш, уларнинг ушбу топшириқларини бажарилганини, умуман мавзунини ўзлаштирганини, семинар ва амалий машғулотларида текшириш учун интерфаол услубларда дарслар ўтказилади. Мазкур мавзу жуда кўплаб масалаларни ўз ичига қамраб олади. Негаки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонунчилиги, фуқаролар йиғини, фуқаролар йиғини раиси, маслаҳатчилар кенгаши, маҳалла ва бошқа масалалар бўйича 2-3та савол қўйилиши мумкин. Бизнингча мустақил иш топшириқлари сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти билан боғлиқ қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ўрганишни тавсия этиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларидан «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» (1992 12 сентябрь), «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида» (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги

Ўзбекистон Республикаси +онунини амалга киритиш ҳақида»
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг +арори, «Фуқароларнинг
ўзини-ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва бошқаларни
ўрганиш юзасидан топшириқлар тузиш мумкин. Ушбу нодавлат
ташкилотларининг Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини
шакллантиришдаги ўрнини очиб бериш топшириғи талабаларда
мустақил фикрлашни, таҳлил қилишни, мустақил хулосалар чиқаришни
ўргатади.

ИЛОВА

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига доир қонунчилик ҳужжатлари

№	Номи	Ҳужжат тури	+ачон қабул қилинди
1	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси	Асосий +онун	1992 йил 8 декабрь
2	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида (янги таҳрири)	ЎзР +онуни	1999 йил 14 апрель
3	Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида	ЎзР Президентининг Фармони	1992 йил 12 сентябрь
4	Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида	ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарори	1992 йил 17 октябрь
5	Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида	ЎзР Президентининг Фармони	1994 йил 23 август
6	Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида	ЎзР Президентининг Фармони	1996 йил 10 декабрь
7	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида	ЎзР Президентининг Фармони	1998 йил 23 апрель
8	Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида	ЎзР Президентининг Фармони	2002 йил 25 январь

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.:Ўзбекистон, 2003.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Хавфсиз ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002.
9. Каримов И.А.. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХ1 асрга интилоқда.- Т.:Ўзбекистон, 1999.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХ1 асрга интилоқда.// Ўзбекистон овози. 1999 йил 15 апрель
12. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фарвон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.:Ўзбекистон, 1999.
13. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида – Т.:Ўзбекистон, 1999
14. Азизов Н. Оқсоқоллар қандай сайланиши керак? // Ҳуқуқ.- Право.-Law. 2004. №2.
15. Жалилов Ш. Маҳалла янгилиниш даврида.- Т.:Меҳнат, 1995
16. Жалилов Ш. Кучли давлатдан – кучли жамият сари – Т.:Ўзбекистон, 2001.
17. Иймон-этикод маскани. // Халқ сўзи. 1994 йил 21 июнь

18. Маҳалла: ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқий кафолати.- Т.:Маҳалла, 1999.
19. Наршахий. Бухоро тарихи.- Т.:Мерос, 1991.
20. Калонов К. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ролининг ошиб боришида маҳалла тизими ва унинг интеграцион фаолияти. || Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари. Т.: «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, 2003.
21. Калонов К., Стивинз Д. Фуқаролик жамияти институтлари. // Фуқаролик жамияти. 2004. №1
22. Маҳмудбеков Ш. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари // Жамият ва бошқарув. 2002. №4.
23. Сиддиков Р.Р. Представительнўе органў и непосредственная деморатия в системе местного самоуправления.- Т., «Университет», 1993.
24. Сувонқулов М. Анъана ва қадрияларга мос // Ҳаёт ва қонун. 2001 йил №6.
25. Темур тузуклари. – Т.,1991.
26. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1 китоб. Туркистон чоризм мустамлакаси даврида.- Т.:Шарқ, 2000.
27. Ҳусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. – Т.:Шарқ, 1996.
28. Адолат. 1998 йил 17 ноябрь
29. Адолат. 2004 йил 9 январь
30. Тошкент окшоми. 2004 йил 21 ноябрь
31. Халқ сўзи, 2006 йил 16 март
32. www.press-service.uz
33. www.lawlib.freenet.uz
34. www.pravo.uz